

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

10-11-сон
(1186-1187)
2025 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

80. «Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога қўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 3 мартдаги ЎРҚ–1042-сон Қонуни
81. ««Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 4 мартдаги ЎРҚ–1043-сон Қонуни
82. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 мартдаги ЎРҚ–1044-сон Қонуни

83. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 мартдаги ЎРҚ–1046-сон Қонуни
84. «Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 мартдаги ЎРҚ–1047-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

85. «Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 мартдаги ПФ–41-сон Фармони
86. «Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 мартдаги ПФ–43-сон Фармони
87. «Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПК–100-сон қарори
88. «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги ПК–103-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўлим

89. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 4 мартдаги 5-мх-сон “Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-3*)
90. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xojaligi vazirligining 2025-yil 10-fevraldagi 1989-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 30-yanvardagi 229-son “Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me‘yorlangan sonini belgilash to‘g‘risidagi yoriqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1989-4*)
91. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 13 февралдаги 1-сон “Қимматли қоғозлар

эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-11*)

92. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 12 февралдаги 78-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-9*)
93. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 27-fevraldagi 5-son “Davlat ro‘yxatidan o‘tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo‘llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan analoglari mavjud bo‘lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3611*)
94. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 28-fevraldagi 5/8-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tijorat banklari bilan depozit operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3079-2*)
95. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 26-fevraldagi 235-son, Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 24-fevraldagi 5/14-son hamda Transport vazirligining 2025-yil 17-fevraldagi 1-son “Temir yo‘l transporti yo‘lovchilarining qo‘l yukini, bagajini, valyutasini va valyuta boyliklarini bojxona nazoratidan o‘tkazish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3233-2*)
96. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 11-fevraldagi 231-son “O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (3-sonli BHS) “Budget hisoboti”ga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3124-7*)
97. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2025-yil 25-fevraldagi 5/12-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidolari to‘g‘risidagi nizomning 19-bandiga qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-2*)

98. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 11-fevraldagi 232-son "O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3078-5*)
99. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2025-yil 27-fevraldagi 22-son "Muvofiqlikni baholash sohasida xodim sifatida ishtirok etishga talabgor bo'lgan mutaxassislarni sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2748-3*)
100. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 27-fevraldagi 2024-24-son "Moliyaviy va soliq hisobotlarini aloqaning telekommunikatsiya kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2808-3*)
101. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2025 йил 25 февралдаги 3-сон "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3612*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

80 Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
24 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ қурилиш ва урбанизация кўламларининг кенгайиши, қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилиши ҳолларининг ортиши атмосфера ҳавоси сифатининг ёмонлашишига олиб келмоқда.

Бу, ўз навбатида, қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қурилиш ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилаш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарликни белгилловчи қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун экологик вазиятнинг яхшиланишига, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишга, шунингдек қурилиш ташкилотлари мансабдор шахсларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир масъулиятини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 мартда эълон қилинган.

№ 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **85¹-модда** билан тўлдирилсин:

«85¹-модда. Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик

Ўлчами беш юз квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонида, унга туташ бўлган ҳудудда ҳамда ундан чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талабларни бузиш ёхуд ушбу ҳудудларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлардан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг учинчи қismi** «68¹» рақамидан кейин «85¹» рақами билан тўлдирилсин;

3) **261-модданинг биринчи қismiдаги** «86» рақами «85¹, 86» рақамлари билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 март,
ЎРҚ–1042-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

81 «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишини енгиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш, кредитлар бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга фуқароларнинг номига уларнинг хабарисиз кредитларни бериш ва тақдим этилган пул маблағларини фирибгарлик усулларини қўллаган ҳолда ўзлаштириш ҳолларининг ўсиб бориши фуқароларнинг кредитлаш соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилишини талаб этмоқда.

Ушбу Қонун билан «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга доир тақиқ белгилашга ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқларини, уларни Кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартларини, шунингдек кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битимини тузганлик учун жавобгарлиги белгиланилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари кредит бюрolari ўзларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар белгиланмоқда.

Мазкур Қонун фуқаролар номига уларнинг хабарисиз кредитларни бериш ва тақдим этилган пул маблағларини ўзлаштириш ҳолларининг олдини олишга, шунингдек кредит бюрolari фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»**ги ЎРҚ–301-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 мартда эълон қилинган.

2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модда:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**кредит ахбороти субъекти** — кредит битими бўйича тегишинча қарз олувчи (қарздор), лизинг олувчи, кафил, кафолат берувчи, гаровга қўювчи ва суғурта қилдирувчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек ўзининг кредит битими тузишини тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисида кредит бюроларига маълумотлар киритиш ҳақида ариза берган жисмоний шахс»;

олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**кредит ахборотидан фойдаланувчи** — кредит битими бўйича тегишинча кредитор, лизинг берувчи, гаровга олувчи ва суғурталовчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек қонунчиликка мувофиқ кредит ахборотидан фойдаланиш ваколатига эга бўлган юридик шахс»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестри** — кредит битими тузиши тақиқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ва кредит бюролари томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базаси»;

2) 4-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида жисмоний шахснинг кредит битими тузиши тақиқи мавжудлиги ҳақидаги ёки бундай тақиқ олиб ташланганлиги тўғрисидаги»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 5-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахснинг кредит битими тузишини тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза юборилган сана ва вақт, тақиқ белгиланган ёки олиб ташланган сана ва тақиқ шартлари ҳақидаги»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4) 7-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит бюроси устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори икки миллиард сўмни ташкил этиши керак»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «Кичик тадбиркорлик субъекти бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 8-модда иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«муассислар умумий йиғилишининг кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги баённомаси ёки ягона муассиснинг кредит бюросини ташкил этиш ҳақидаги қарори»;

тўртинчи хатбошиси «муассислари» деган сўздан кейин «(муассиси)» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошиси «устав фонди» деган сўзлардан кейин «(устав капитали)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 12-модда:

биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонунчилик талабларини бузганлик учун кредит бюроларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаиди»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит битимини тузиши тақиқланган шахсларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган реестрини кредит бюролари томонидан юритиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди»;

7) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Кредит бюроларига нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги қоидабузарликлар содир этилганлиги учун кредит бюроларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаиди:

кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги ва кредит бюролари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этмаганлик;

кредит бюролари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик;

лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қоидабузарликлар аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли:

кредит бюроларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, шу жумладан кредит бюролари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлган миқдорда жарима ундириш.

Чоралар ва санкцияларни қўллашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни ҳисобга олади:

қоидабузарликларнинг хусусиятини, миқёсини ва оқибатларини;

қоидабузарликларнинг тизимлилиги ва давомийлигини;

қўлланиладиган чоралар ва (ёки) санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имкониятини;

аниқланган қоидабузарликларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни;

илгари қўлланилган чоралар ва санкцияларнинг самарадорлигини (натижадорлигини)»;

8) 14-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида жисмоний шахсининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ахборотни кредит ахбороти субъектларига ва кредит ахборотидан фойдаланувчиларга уларнинг сўровларига асосан бериши»;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **16-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчиликка мувофиқ тақдим этилишига рухсат берилган ахборотни: банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари — Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига;

лизинг, суғурта ташкилотлари, товар истеъмол кредитларини берувчи ташкилотлар — кредит бюроларига тақдим этиши шарт»;

10) қуйидаги мазмундаги **16¹-модда** билан тўлдирилсин:

«16¹-модда. Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритиш

Жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битими расмийлаштирилишининг олдини олиш учун ўзи билан кредит битимини тузишни кредит бюросига ариза киритиш орқали тақиқлаши мумкин.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда, давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюрolari орқали ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш асосида берилади.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза олинган пайтдан эътиборан кредит бюроси томонидан дарҳол кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритилади.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда мазкур хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бепул асосда кўрсатилади.

Жисмоний шахсларнинг кредит битимини тузишини тақиқлаш тўғрисидаги аризалари рўйхати кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида кредит бюрolari томонидан юритилади.

Кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестридан кредит битимини тузиш тақиқи мавжудлиги ёки бундай тақиқ олиб ташланганлиги тўғрисидаги ахборотни олмасдан туриб кредит битимини тузиш тақиқланади. Бунда банклар ёки нобанк кредит ташкилотлари ёхуд микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари жисмоний шахсининг иштирокисиз ёки хабарисиз амалга оширилган кредит битимидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестридан бепул асосда олади»;

11) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Юридик шахсларнинг давлат реестрига ва Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестрига» деган сўзлар «Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **22-модданинг биринчи қисми:**

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзи ҳақидаги кредит ҳисоботининг тақдим этилишига розилик беришни рад этиш ёки унинг кредит бюрolari томонидан тақдим этилишини тақиқлаш (тақиқни олиб ташлаш)»;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда мурожаат этиш»;

ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

13) **24-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит ахборотини тақдим этиш ва унинг алмашинуви фақат кредит битимини тузиш, ўзгартириш ҳамда кредит битимининг ижросини мониторинг қилишдаги таваккалчиликни баҳолаш мақсадида, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг асосида баҳолаш орқали, шунингдек қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда амалга оширилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 7-бандининг тўққизинчи хатбошиси 2026 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 март,
ЎРҚ–1043-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

82 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари- га чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
24 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 21 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари сифатини оширишга ҳамда ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун аҳолининг дебитор қарздорлиги ўсиши мазкур хизматлар учун тўлов интизоми даражасини ошириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Уй-жой кодексларига, «Рақобат тўғрисида»ги ва «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилар қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилинганидан кейин мазкур қарздорлик бартараф этилгунига қадар улардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормалар белгиланишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов интизомини мустаҳкамлашга ҳамда аҳолининг мазкур хизматлар бўйича дебитор қарздорлигини камайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 мартда эълон қилинган.

154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда) **468-моддаси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Энергия таъминоти шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам назарда тутилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар) **134-моддасининг еттинчи қисми** «бундан сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари» деган сўзлардан кейин «қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–850-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 7, 533-модда; 2024 йил, № 9, 955-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни» деган сўзлардан кейин «(бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун истеъмолчилар қарздорлигининг олдини олишға қаратилган қоидалар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августда қабул қилинган «**Электр энергетикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ—939-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2024 йил, № 8, 819-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 38-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилар қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилинганидан кейин мазкур қарздорлик бартараф этилгунига қадар улардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклаш. Бунда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни ҳисоб-китоб қилишнинг ишончилиги ҳамда тўғрилиги учун жавобгар бўлади, шунингдек мазкур талаблар бузилган ҳолларда, истеъмолчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди»;

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларни мазкур қарздорлик мавжудлиги тўғрисида қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилиши;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклашни мазкур қарздорлик бартараф этилган тақдирда автоматик равишда бекор қилиши»;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 39-модданинг бешинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлики мазкур қарздорлик мавжудлиги тўғрисида қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилинган санадан эътиборан беш кун ичида бартараф этиши»;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 40-модданинг учинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчини қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилиш, мазкур қарздорлик бартараф этилгу-

нига қадар истеъмолчининг электр энергияси учун тўловларини қабул қилишни вақтинчалик чеклаш шартлари»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 7 март,
ЎРҚ–1044-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**83** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда концерт-томоша соҳасини янада тараққий эттириш, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган шахслар учун шарт-шароитлар яратиш, миллий эстрада санъатини янада оммалаштириш, маданият ва санъатни инновацион жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга жонли ижро санъатини ривожлантиришни изчил давом эттириш, аҳолининг жонли ижрога бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш ва унинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жонли ижрони рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг жонли ижро санъатини ривожлантириш йўналишидаги ваколатларини, шунингдек концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланиш даражасига қараб мусикий ва бошқа асарларни ижро этиш усулларини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартибини белгиловчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини оширишга, жонли ижро санъатини ривожлантиришга, истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлашга, жонли ижрони рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги 221–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 мартда эълон қилинган.

536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда; 2023 йил, № 2, 106-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **6-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

иккинчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошисидаги «театр-концерт» деган сўзлар «концерт-томоша» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Концерт-томоша тадбирининг дастурида ижрочилар ва асар муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январда қабул қилинган **«Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–668-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 1, 15-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) 8-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«жонли ижрони тарғиб қилиш ҳамда жонли ижро этиш орқали миллий санъат ва маданиятнинг нуфузини оширишга хизмат қилаётган санъаткорларни, ижодкорларни ҳамда ижрочиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат маданий концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда жонли ижро ва фонограммадан фойдаланиш даражасини ҳамда усуллари белгилайди;

концерт-томоша тадбирларида фонограммалардан ва муаллифлик асарларидан фойдаланишда ижрочилар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг юритади;

музыка санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, концерт-томоша тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, ижрочиларга ўз салоҳиятини тўлақонли намойиш этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўз концерт дастурларини жонли ижро усулида амалга оширувчи хонандалар, созандалар ва бошқа ижрочилар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади»;

ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **ўн олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 21-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Концерт-томоша тадбирларида музыкали ва бошқа асарларни ижро этишда фонограммадан фойдаланиш даражасига қараб, ижрочилар томонидан қуйидаги усуллар билан ижро амалга оширилиши мумкин:

жонли ижро — музыкали ёки бошқа асар барча ижрочилар (хонанда-

лар, созандалар, бошловчилар, сўз усталари ва бошқа ижрочилар) томонидан рақамли ёки аналог ахборот ташувчилардаги олдиндан ёзиб олинган аудиоёзувлардан фойдаланмаган ҳолда, ўз овози билан куйлаш ёки ўқиш, шунингдек мусикий асбобларда ижро этиш йўли билан реал вақт режимида ижро этилади;

фонограммадан қисман фойдаланилган ҳолда — мусикали ёки бошқа асар товуш элементларининг бир қисми олдиндан ёзиб олинган аудиоёзувлардан фойдаланган ҳолда, қолган элементлар эса реал вақт режимида сахнада мусиқачилар ва вокалчилар томонидан ижро этилади;

фонограммадан фойдаланилган ҳолда — мусикали ёки бошқа асарнинг барча товуш элементлари олдиндан ёзиб олинган аудиоёзувлардан фойдаланилади ҳамда мусикий асарнинг ижросига вокал, чолғу ёки вокал-чолғу ижросиси (ижрочилари) томонидан бир вақтнинг ўзида тақлид қилинади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 июнда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги ЎРҚ–776-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 571-модда; 2024 йил, № 2, 108-модда, № 9, 964-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «театр-концерт» деган сўзлар «концерт-томоша» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **44-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44-модда. Концерт-томоша тадбирлари рекламасида фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот

Концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланилганда ушбу тадбир рекламасида фонограммадан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги ахборот келтирилиши керак.

Ташқи реклама орқали жойлаштирилладиган концерт-томоша тадбири рекламасида фонограммадан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги ахборот умумий реклама майдонининг (сатҳининг) камида ўн фоизини ташкил этиши керак.

Концерт-томоша тадбири ташкилотчилари бевосита томоша бошланишидан олдин фонограммадан фойдаланилиш даражаси тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган аудиохабар тарқатилишини таъминлайди».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 март,
ЎРҚ–1046-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

84 Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
24 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 21 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда судлов фаолиятини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга мурожаат қилишини либераллаштириш, умуман одил судловга эришиш даражасини ошириш, шунингдек судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш имконини берди.

Натижада ариза бериш, ишда масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини олиш ва ишларнинг қўрилиши ҳақида маълумот олиш каби хизматлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлар портали орқали электрон шаклда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган суд мажлисларида мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали процессуал қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига, Иқтисодий процессуал кодексига ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига аҳолининг суд муҳокамаларида масофадан иштирок этишининг ҳуқуқий асослари яратилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-мод-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 мартда эълон қилинган.

да, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар) **209-моддасига** қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

иккинчи ва **учинчи қисмлар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаётган суд ушбу шахсларнинг келган-келмаганлигини текширади ва келган шахсларнинг шахсини аниқлайди. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган шахсларнинг шахси ишни кўраётган суд томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги, шунингдек гувоҳнинг қасамёди аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1280, 1286-моддалар) **166-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади»;

бешинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1286-модда) **144-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади»;

бешинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 март,
ЎРҚ-1047-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

85 Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 майдаги «Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–179-сон қарори амалга оширилишини таъминлаш ҳамда махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар.

1. 2025 йилда махсус иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) махсус иқтисодий зоналарда 2,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ҳажмини 1 миллиард АҚШ долларига етказиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда таъминлаш ва 12 мингта янги доимий иш ўринларини яратиш;

(б) саноат зоналарида 800 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ҳажмини 512,2 миллион АҚШ долларига етказиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда таъминлаш ва 17 мингта янги доимий иш ўринларини яратиш.

II. Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш.

2. Янги барпо этиладиган ихтисослаштирилган зоналар фақат махсус иқтисодий зона ёки саноат зонаси шаклида ташкил этилиши белгилансин.

3. Белгилансинки, махсус иқтисодий зоналар фаолияти бўйича:

(а) белгиланган чегараларга эга ҳамда махсус ҳуқуқий, солиқ ва божхона режими жорий қилиниши мумкин бўлган ер майдонида экспортбоп, юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун ташкил этилади;

(б) фақат экспортга йўналтирилган лойиҳаларга ихтисослашган, майдони ўралган махсус экспорт зонаси турида ҳам ташкил этилиши мумкин;

(в) ер участкалари Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлан-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 6 мартда эълон қилинган.

тириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) томонидан энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан тўғридан-тўғри ижарага берилади (туризм, хусусий бошқарувдаги зоналар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

(г) ер участкасига ижара ҳуқуқи қиймати баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланади;

(д) ер участкаларини онлайн-аукционда сотиш орқали зоналар резидентларига хизмат кўрсатувчи корхоналарни жойлаштиришга (имтиёзлар татбиқ этилмаган ҳолда) рухсат берилади;

(е) фаолият кўрсатиш муддатига оид чекловлар бекор қилинади.

4. Белгилансинки, саноат зоналари фаолияти бўйича:

(а) саноат, ишлаб чиқариш корхоналарини бир жойда жойлаштириш, инфратузилма объектларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади;

(б) мастер режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қарори билан барпо этилади;

(в) ер участкалари, бино ва иншоотларни инвестиция мажбуриятлари ва муддатларини белгиллаган ҳолда онлайн аукционга чиқариш саноат зонаси дирекция томонидан амалга оширилади;

(г) онлайн аукционда фақат юридик шахслар қатнашиши мумкин;

(д) ер участкалари онлайн аукционга камида 10 йил ижара муддати билан, инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан сўнг хусусийлаштириш ёки ижара муддатини узайтириш шарти билан чиқарилади;

(е) ер участкаларининг бошланғич ижара қиймати ўрнатилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ер солиғидан паст бўлмаган миқдорда белгиланади;

(ж) ижарадан тушган маблағлар саноат зонаси дирекциясига бош режа-ни ишлаб чиқиш, инфратузилма ва моддий-техник базани яхшилаш, ободонлаштириш, бино ва иншоотларни таъмирлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш учун йўналтирилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) республика маъмурий-ҳудудий бирликларига махсус иқтисодий зона мақомини беришга йўл қўйилмайди;

(б) янги махсус иқтисодий ва саноат зоналари фақат инфратузилма мавжуд бўлган ёки у билан таъминлаш иқтисодий асосланган, молиявий самарадорлиги ҳисобланган бизнес режа ва мастер режа асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда Ҳукумат комиссияси билан келишилган ҳолда ташкил этилади;

(в) махсус иқтисодий ва саноат зоналарида тадбиркорлар томонидан ўз ҳисобидан ишлаб чиқариш биноларини қуриш ҳамда ижарага бериш ёки саноат ипотекаси ва бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ушбу зоналардаги

бино ва иншоотларни ижарага бериш ва сотишда лойиҳаларга қўйиладиган мезонлар белгиланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

(г) махсус иқтисодий ва саноат зоналарида фаолиятини янгидан бошлаётган инвесторларга ер участкалари қирқ тўққиз йилгача муддатга ижарага берилиши мумкин;

(д) иштирокчини танлаб олиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин олти ой давомида у инвестиция мажбуриятини (узрли бўлмаган сабабларга кўра) бажаришни бошламаган тақдирда ижара шартномаси бекор қилинади ҳамда бино, иншоотлар ва ер участкалари дирекциялар балансига қайтарилади.

III. Махсус иқтисодий ва саноат зоналари бошқаруви.

6. Махсус иқтисодий зоналар бошқаруви қўйидагича ташкил этилсин:

(а) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги махсус иқтисодий зоналарни бошқариш бўйича ваколатли орган ҳисобланади (туризмга ихтисослашган, хусусий бошқарувдаги махсус иқтисодий зоналар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

(б) хусусий бошқарувга берилган махсус иқтисодий зоналар фаолияти Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

7. Саноат зоналари бошқаруви қўйидагича ташкил этилсин:

(а) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бошқарилади;

(б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Белгилансинки, махсус иқтисодий ва саноат зоналари хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторлар бошқарувига қўйидаги тартибда берилиши мумкин:

(а) хусусий инвесторлар бошқарувга танлов асосида зарур инфратузилмани қуриш, инвестиция мажбуриятларини бажариш шarti билан жалб этилади;

(б) махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналарини хусусий (хорижий) инвесторларга бошқарувга бериш ва уларга ер ажратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда вазирлик ва идоралар таклифларига асосан Ҳукумат комиссияси билан келишган ҳолда битим билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

(в) инвесторларга бошқарувга ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонларини лотларга ажратган ҳолда ижара муддатидан кўп бўлмаган муддатга инвестиция битимида келишилган шарт ва мезонлар асосида иккиламчи ижарага беришга рухсат берилади.

IV. «Наманган» махсус экспорт зонасини ташкил этиш.

9. Наманган вилоятида «Наманган» махсус экспорт зонаси (кейинги ўринларда — «Наманган» МЭЗ) ташкил этилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

(а) «Наманган» МЭЗ иштирокчилари томонидан четдан олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилади. Бунда ушбу ҳудудга жойлаштирилган товарлар божхона тўловларини тўлаш ва иқтисодий сиёсат чораларини қўллаш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади;

(б) «Наманган» МЭЗда ишлаб чиқариш бинолари кўп қаватли (3-4 қават) қилиб қурилади, бунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги маъқуллаган халқаро меъёрлардан фойдаланишга рухсат этилади;

(в) «Наманган» МЭЗ иштирокчиларига республика корхоналари томонидан етказиб берилган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар, кўрсатилган хизматлар экспортга тенглаштирилади. Бунда «Наманган» МЭЗ иштирокчилари томонидан ички бозорга сотилган товарлар импортга тенглаштирилиб, тегишли божхона ва солиқ тўловлари ундирилади.

11. Вазирлар Маҳкамаси:

(а) бир ой муддатда «Наманган» МЭЗ таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегараларини белгилаш бўйича таклифларни киритсин;

(б) икки ой муддатда «Наманган» МЭЗни ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, меҳнат, божхона ва солиқ режимларини белгилаш, «Наманган» МЭЗ дирекцияси фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уни зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

V. Ташкилий чора-тадбирлар.

12. 2025 йил 1 июндан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган импорт хомашё, материал ва бутловчи қисмларни божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) тўламаган ҳолда «товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштириш орқали уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин.

13. Қўйидагилар:

(а) махсус иқтисодий зоналар дирекциялари Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурига ўтказилсин (туризмга ихтисослашган ва хусусий бошқарувдаги махсус иқтисодий зоналар бундан мустасно);

(б) саноат зоналари дирекциялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурига ўтказилсин (хусусий бошқарувдаги саноат зоналари бундан мустасно);

(в) 2028 йил 1 январга қадар махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг бир фоизи миқдорида улар томонидан ижарага берилган ер майдонлари учун тўловни амалга ошириши белгилансин.

14. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда махсус иқтисодий ва саноат зоналарини, жумладан, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, технопарклар, машинасозлик ва электротехника саноат ҳабини хатловдан ўтказсин ва уларни қайта ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар белгиланган муддатга қадар сақлаб қолинсин.

16. Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ишчи гуруҳ тузган ҳолда халқаро консультантларни жалб қилиб, Тошкент вилоятида майдони камида 500 гектар бўлган махсус иқтисодий зонани ташкил қилиш бўйича қарор лойиҳасини 2025 йил 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш.

17. Қўйидагилар:

(а) Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

(б) Махсус иқтисодий ва саноат зоналарининг мақбуллаштирилаётган ҳудудлари ва ер майдонлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

(в) Махсус иқтисодий ва саноат зоналарининг ҳудудидан чиқарилаётган ер майдонлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖга инфратузилма объектларини қуриш лойиҳаларини «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКдан экспертизадан ўтказган ҳолда тизим ташкилотлари томонидан амалга оширишга рухсат берилсин.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 2025 — 2027 йилларда махсус иқтисодий ва саноат зоналари инфратузилмасини яхшилашга қўшимча маблағлар ажратиб борсин.

20. Бош прокурор ўринбосари (С. Самадов) махсус иқтисодий ва саноат зоналарида инфратузилма объектлари учун бюджет маблағлари ўз вақтида ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикларга асосан олиб борилишини назоратга олсин.

21. «Наманган» МЭЗ фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун масъул этиб Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Вахобов белгилансин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов белгилансин.

23. Фармон ижроси бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини муво-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 март,
ПФ-41-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

86

Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Кўчмас мулк объектларининг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлашнинг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш ва кенг қўллаш, аҳоли ва тадбиркорларнинг иқтисодий активлари ўсиб бориши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

I. Мақсадлар.

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) республикадаги мавжуд 8 миллиондан ортиқ турар ва нотурар жойлар, 7 миллионга яқин ер участкаларининг иқтисодий актив сифатидаги қийматини аниқлаш;

(б) кўчмас мулк объектининг солиқ солиш, олди-сотди қилиш, гаровга қўйиш, жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва бошқа ҳолатлар учун аниқланадиган қиймати ўзаро мутаносиб бўлишини таъминлаш;

(в) кўчмас мулк бозорига оид ишончли, тўлиқ ва даврий равишда янги-ланиб борадиган ахборот базани яратиш;

(г) солиқ солишда адолатлилиқ тамойилини янада кенг жорий этиш.

2. 2025 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча кўчмас мулк объектлари уларнинг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлаш мақсадида даврий равишда оммавий баҳолашдан ўтказилиши белгилансин.

3. Оммавий баҳолаш ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилсин:

(а) 2025-2026 йилларда — эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида;

(б) 2026-2027 йилларда — Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида;

(в) 2027 йил ва ундан кейинги йилларда — қолган ҳудудларда.

II. Ташкилий ва молиявий таъминот.

4. Кадастр агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафардан иборат бўлган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин.

5. Қуйидагилар:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган;

(б) Кадастр агентлиги — кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасида махсус ваколатли орган;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 мартда эълон қилинган.

(в) Миллий марказ — кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасида ижро этувчи орган этиб белгилансин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази ўртасида кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасидаги вазифалар тақсимоли 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Миллий марказ фаолияти, шу жумладан, кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тадбирлари қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилсин:

(а) Давлат бюджети;

(б) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинадиган грантлар ва техник қўмақлар;

(в) Миллий марказнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

(г) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

III. Норматив-ҳуқуқий, услубий, ахборот ва дастурий таъминот.

8. Оммавий баҳолаш тизимини норматив-ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлаш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кадастр агентлиги:

(а) бир ой муддатда Миллий марказ фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) уч ой муддатда Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш услубиётини белгиланган тартибда тасдиқласин ва давлат рўйхатидан ўтказсин;

(в) 2026 йил охирига қадар Тошкент шаҳридаги эксперимент натижалари, илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро экспертларнинг хулосалари ва тавсиялари асосида «Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда бино ва иншоотлар қурилишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тиклаш қийматининг жамланма кўрсаткичларини тасдиқласин.

10. Оммавий баҳолаш тизимини дастурий жиҳатдан таъминлаш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кадастр агентлиги 2025 йил 1 ноябрга қадар Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш услубиётига асосан:

(а) кўчмас мулк бозори тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича — «Кўчмас мулк бозори мониторинги» автоматлаштирилган ахборот тизимини;

(б) кўчмас мулкнинг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлаш бўйича «Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

11. Белгилансинки, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар Миллий марказнинг сўровига кўра ўн кун ичида оммавий баҳолаш тизими учун зарур бўлган ахборотларни бепул тақдим этишлари, ўзларининг ахборот тизимларини Миллий марказнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилишлари лозим.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) икки ҳафта муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимларининг чекланган умумий сони доирасида Кадастр агентлиги марказий аппарати тузилмасида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган 7 та штат бирлигидан иборат Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш бошқармасини ташкил этсин;

(б) 2025 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳридаги экспериментнинг дастлабки натижаларидан келиб чиқиб, оммавий баҳолашдан ўтказилган мол-мулклар ва ер участкалари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича солиқ солинадиган базани қайтадан белгилаш ва солиқ ставкаларини пасайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Кадастр агентлиги директориغا Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Миллий марказ ходимларининг иш юкламаси ва фаолияти самарадорлигидан келиб чиқиб, Миллий марказга қўшимча штат бирликларини ажратиш ваколати берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармонига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Кадастр агентлиги директори Ф.Ж. Пўлатов белгилансин.

16. Фармон ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 5 март,
ПФ–43-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 5 мартдаги
ПФ–43-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда
Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази ўртасида
кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасидаги вазифалар
тақсимооти**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасидаги асосий вазифалари:

(а) оммавий баҳолаш тизимини амалга ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш;

(б) оммавий баҳолаш жараёнини тартибга солувчи чора-тадбирлар ва механизмларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, оммавий баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

(в) оммавий баҳолаш натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) республика миқёсида ва алоҳида ҳудудларида, шу жумладан, урбанизация жараёнлари ва инфратузилманинг ривожланиши, нархлар даражаси ва бошқа бозор кўрсаткичларининг ўзгариши муносабати билан республиканинг алоҳида туман (шаҳар)ларидаги кўчмас мулк объектларини оммавий баҳолашдан ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

2. Кадастр агентлигининг кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасидаги асосий вазифалари:

(а) оммавий баҳолаш жараёнида маълумотлар базасида мавжуд бўлган кўчмас мулк объектларига оид маълумотларнинг тўлиқлилигини ва сифатлилигини таъминлаш;

(б) оммавий баҳолаш ўтказилиши лозим бўлган кўчмас мулк объектлари рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш;

(в) оммавий баҳолаш маълумотлари мониторингини юритиш;

(г) оммавий баҳолаш тизимини самарали ташкил этиш, шунингдек, жараёни рақамлаштириш ва автоматлаштириш;

(д) Иқтисодиёт ва молия вазирлигига кўчмас мулк объектларининг оммавий баҳолаш жараёнини тартибга солувчи чора-тадбирлар ва механизмларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, оммавий баҳолаш услубиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

(е) кўчмас мулк объектларини оммавий баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

3. Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий марказининг кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасидаги асосий вазифалари:

(а) кўчмас мулк объектларининг бозор нархига яқин бўлган қийматини оммавий баҳолаш орқали аниқлаш;

(б) оммавий баҳолашнинг электрон маълумотлар базасини яратиш, юри-

тиш ва янгилаб бориш, оммавий баҳолаш натижаларини ушбу базага алоҳида мурожаатсиз ва ҳақ ундирмасдан киритиш;

(в) кўчмас мулк объектларини оммавий баҳолаш билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш, тўплаш ва қайта ишлаш асосида кўчмас мулк бозорини мониторинг ва таҳлил қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

87 Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, иссиқлик таъминоти соҳасини ислоҳ қилиш, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда биноларда энергия йўқотишларни камайтириш бўйича «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга ошириладиган асосий вазифаларни белгилаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий йўналишлар ва мақсадлар

1. Уй-жой ва бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини оширишнинг келгуси 5 йилдаги асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибалар асосида стратегик таклифларни ишлаб чиқиш, иссиқлик таъминоти корхоналари фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи ташкилот ташкил этиш ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

(i) марказлашган иссиқлик тизимларидаги эскирган 103 та қозонхона ва 1,6 минг километр иссиқлик тармоғини, шу жумладан, 2025-2026 йилларда 18 та қозонхона ва 258 километр иссиқлик тармоғини янгилаш;

(ii) давлат-хусусий шериклик асосида 9 та (шундан 2 та лойиҳа 2025-2026 йилларда бошланади), халқаро молия институтлари иштирокида 13 та шаҳар ва туманда модернизация лойиҳаларини амалга ошириш (шундан 5 та шаҳар ва туманда 2025-2026 йилларда бошланади);

(iii) марказлашган иссиқлик таъминоти камровини 37 фоиздан 58 фоизгача етказиш, тизимдаги йўқотишларни 38 фоиздан 20 фоизгача қисқартириш;

(iv) кўп квартирали уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларига 8 681 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш (2025 йилда 480 та), марказлашган иссиқлик таъминотини ёпиқ тизимга ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(б) марказлашган иссиқлик таъминотига уланмаган тўрт ва ундан юқори қаватли кўп квартирали уй-жойларнинг иситиш тизимида локал қозонхоналар қуриш ва бошқа муқобил технологияларни жорий этиш ҳисобига бир хонадоннинг газга бўлган талабини камида 20 фоизга камайтириш;

(в) якка тартибдаги ва кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасалари, саноат ва хусусий сектор бино-иншоотларининг энер-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 мартда эълон қилинган.

гия самарадорлигини ошириш мақсадида тажриба-синов лойиҳаларини бошлаш;

(г) ижтимоий соҳа, саноат ва хусусий секторлар бино-иншоотларини янгидан қуриш ҳамда реконструкция қилишни лойиҳалаштириш бўйича техник шартларда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва муқобил иссиқлик тизимлари ускуналарини ўрнатиш талабини киритиш;

(д) табиий газ истеъмоли юқори бўлган аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасаларида энергия самарадор ва замонавий ускуналар (газ горелкали қурилмалар) ўрнатишни рағбатлантириш;

(е) хусусий сектор иштирокида иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда энергосервис хизматларини кўрсатиш ҳамда энергия тежамкорликни оширишда янги бозорни шакллантириш, ихтисослашган энергия хизматлари компаниялари бозори (ЭСКО) механизмлари ва инновацион молия воситалари орқали энергия самарадорликни ошириш лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи ташкилот тузиш.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

(а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида «Иссиқликтаъминоти» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — Жамият) ташкил этиш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига иссиқлик таъминоти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишни юклаш;

(б) иссиқлик таъминоти тизимларида икки турдаги энергия ишлаб чиқаришни назарда тутувчи когенерация технологияларини жорий этиш лойиҳаларини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги томонидан биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

(в) Жамият устав капиталини 23 та хўжалик жамиятлари ва корхоналар устав капитали ҳисобига шакллантириш ҳамда ушбу хўжалик жамиятлари ва корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта ташкил этиш;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Жамиятнинг устав капиталидаги давлат акция пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини амалга оширишни юклаш.

3. Масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта ташкил этиладиган, устав капитали «Иссиқликтаъминоти» АЖ уставига ўтказиладиган хўжалик жамиятлари ва корхоналар рўйхати ҳамда уларни қайта ташкил этиш тартиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

II. Асосий чора-тадбирлар ҳамда ишлаб чиқиладиган дастурлар

4. Кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасаларини 2025 — 2030 йилларда марказлашган иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида қуйидагилар:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг йиғма параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

(б) Давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ. Бунда жорий йилда Нукус ва Бухоро шаҳарлари иссиқлик таъминоти тизимларида бир вақтнинг ўзида икки турдаги энергия ишлаб чиқаришни назарда тутувчи когенерация технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни бошлаш чораларини кўриш;

(в) Халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган янги истиқболли лойиҳалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Марказий банк, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қуйидаги тажриба-синов лойиҳаларини бошласин:

(а) Чиноз ва Олтиариқ туманларида бюджет маблағлари ҳисобидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (иссиқлик насослари, қуёш панеллари) ҳамда ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда тўрт қаватли уй-жойларни иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, ушбу уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун уларнинг иссиқлик изоляцияси бўйича лойиҳалар;

(б) «Яшил» имтиёзли кредитлар ҳисобидан ҳар бир вилоятда 100 тадан якка тартибдаги уй-жойларда энергия йўқотишларни камайтириш учун уларнинг ташқи ва том қисмининг иссиқлик изоляцияси, энергия тежамкор ойна ва эшик ромларини ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳалари;

(в) Бухоро вилоятидаги ижтимоий соҳа муассасаларининг қониқарсиз ва таъмирталаб биноларида энергия йўқотишларни камайтириш учун уларнинг ташқи ва том қисмини иссиқлик сақловчи материаллар билан қоплаш, энергия тежамкор ойна ва эшик ромларини ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва шу кабилар), муқобил иссиқлик тизимлари (гелиоколлекторлар, иссиқлик насослари, фанкойл тизими ва шу кабилар) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳалари;

(г) Бухоро вилояти тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда тўрттадан ижтимоий соҳа ва давлат муассасаси объектларида (мактабгача таълим, мактаб, тиббиёт, давлат идораси) энергия самарадор лойиҳалар;

(д) республикада жойлашган барча давлат мактабгача таълим муассасаларини тўлиқ гелиоколлекторлар билан жиҳозлаш лойиҳалари. Бунда Вазирлар Маҳкамаси ушбу тажриба-синов лойиҳалари бир ой муддатда бошланишини ташкил этсин.

6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва мо-

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лия вазирлиги билан биргаликда жорий йил 1 июлга қадар кўп квартирали уй-жойларнинг фасад ва том қисмини иссиқлик сақловчи материаллар билан қоплаш, кириш йўлакларида энергия тежамкор ойна ромлари ўрнатилишини назарда тутувчи 2026 — 2030 йилларда кўп квартирали уй-жойларнинг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» (CEBU) лойиҳаси доирасида ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорликни ошириш, уларда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, муқобил иссиқлик тизимлари ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан Жаҳон банки билан музокараларни бошласин.

III. Молиявий ресурслар

8. Иқтисодиёт ва молия вазири (Ж.А. Қўчқоров) 2025 йилда:

(а) мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган лойиҳаларни бошлаш учун халқаро молия институтларидан 68 миллион АҚШ доллари жалб қилсин;

(б) Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 320 миллиард сўм ажратсин;

(в) Давлат бюджетидан иссиқлик таъминоти тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш чора-тадбирлари учун 50 миллиард сўм, мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган янги истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун 10 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратсин. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мазкур қарордан келиб чиқадиган қўшимча харажатлар, шу жумладан, тажриба-синов лойиҳалари учун 2025 йил Давлат бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобидан маблағлар ажратишга рухсат берилади.

9. Белгилансинки, 2026 — 2030 йилларда:

(а) иссиқлик қозонхоналари ва иссиқлик тизимларини замонавий технологиялар асосида модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари учун халқаро молия институтларидан 257 миллион АҚШ доллари жалб қилинади;

(б) ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 1,6 триллион сўм ажратилади;

(в) Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган 143 миллион АҚШ доллари қарз маблағлари ўзлаштирилади;

(г) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни мустаҳкам ва барқарор молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларидан мақбул шартлардаги кредитлар, грантлар ва техник ёрдамларни жалб қилади.

10. Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда иссиқлик таъминоти корхоналарининг 5-иловага* мувофиқ 2025 йил

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1 январь ҳолатига мавжуд қарздорликларини кечиктириш, ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин.

IV. Тартиб ва қоидалар

11. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб:

(а) молиялаштириш манбаларидан қатъи назар (бюджет, халқаро молия институтлари, давлат-хусусий шериклик, хусусий ва бошқа манбалар) қурилишда техник шартлар олинishi талаб қилинадиган бино-иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишни лойиҳалаштиришда ушбу объектларнинг лойиҳа ҳужжатларида биноларнинг ўз эҳтиёжлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва шу кабилар) ва муқобил иссиқлик тизимлари (гелиоколлекторлар, иссиқлик насослари ва шу кабилар) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни мажбурий ўрнатиш талаби киритилади;

(б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ушбу объектлардан фойдаланишга рухсатнома беришда кўрсатилган ускуналарнинг ўрнатилганини ҳамда уларнинг ташқи ва том қисми иссиқлик сақловчи материаллар билан қопланишини назорат қилади;

(в) марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича барча лойиҳаларда ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимини жорий этиш назарда тутилади;

(г) Жамият таркибидаги ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг иссиқлик таъминоти хизматлари учун нархлар (тарифлар) Идоралараро тариф комиссияси томонидан тартибга солинади;

(д) кўп квартирали уй-жойлар ва биноларнинг ички иссиқлик ва иссиқ сув тарқатувчи тизимларининг қурилиши, иншоотлар ва тармоқларда ҳисоблагичларнинг тўлиқ ўрнатилиши мажбурий ҳисобланади;

(е) иссиқлик таъминоти корхоналари тасарруфидаги қозонхоналарни Жамиятнинг розилигисиз бўш турган объект сифатида белгилаб, электрон савдоларга чиқариш тақиқланади;

(ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари 6-иловада* кўрсатилган вазифалар ижросига шахсан масъул этиб белгиланади ҳамда уларга марказлашган ва локал иситиш тизимини йўлга қўйишда қозонхоналар ва тармоқларни қуриш ва жойлаштириш учун талаб этиладиган ер майдонларини ҳудудий иссиқлик таъминоти корхоналарига ажратишга рухсат берилади;

(з) ҳар йили ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида иссиқлик таъминоти соҳасига ажратиладиган маблағларнинг камида 10 фоизи энергия тежовчи ускуналарни ўрнатишга йўналтирилади;

(и) қурилиш ва модернизация қилиш лойиҳалари амалга ошириладиган барча ижтимоий соҳа муассасаларида мажбурий тартибда доимий иссиқ сув

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан таъминланадиган тежамкор санитария-гигиена хоналари, қўл ювиш жойлари ҳамда спорт залларида душ қабул қилиш хоналари техник жиҳатдан фойдаланишга қулай тарзда ташкил қилинади;

(к) қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида иссиқлик қозонхона қувватларини белгилашда ҳудуддаги барча кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа муассасалари ва маъмурий бинолар ҳамда саноат ва хусусий секторларнинг тўлиқ қамраб олиниши назарда тутилади;

(л) марказлашган иссиқлик таъминоти мавжуд ҳудудларда янги қуриладиган кўп квартирали уй-жойлар, маъмурий бинолар, ижтимоий соҳа муассасалари, саноат ва тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларининг иссиқлик тармоқларига уланиши мажбурий ҳисобланади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Иқтисодиёт ва молия вазири (Ж.А. Қўчқоров):

(а) икки ҳафта муддатда Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби билан биргаликда 2025 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ижтимоий соҳа муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштиради;

(б) икки ой муддатда энергия самарадорлик лойиҳаларининг лойиҳа топшириқлари ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, энергия аудит ўтказиш ва техник назоратни амалга ошириш, лойиҳалар доирасида ўрнатилган қурилма ва технологияларга техник хизмат кўрсатишни назорат қилиш учун халқаро компания ва консултантлар жамоасини жалб этсин;

(в) ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда кўп квартирали уй-жойларнинг энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаларини барқарор ва кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш учун халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг қўшимча грант ва кредитларини жалб қилиб борсин.

13. Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Марказлашган иссиқлик таъминоти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ишларини жадаллаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ва унга қўйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) иссиқлик таъминоти соҳасида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланадиган манбалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, хизматлар сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, ҳисоб-китоб тизимини тартибга солиш ва операцион самарадорликни ошириш орқали корхоналарнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача самарали тизимни жорий этиш, тизим-

* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларда йўқотишларни камайтириш чораларини кўриш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

(б) биоларда энергия йўқотишларни камайтиришга қаратилган энергия самарадорлик дастур ва лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, энергия самарадор биоларни қуриш бўйича қоида ва тартибларни ишлаб чиқиш, доимий такомиллаштириш ҳамда уларга риоя қилинишини назорат қилиш;

(в) соҳада жозибатор инвестиция муҳитини яратиш, давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий қилиш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш йўналишларини белгилаш;

(г) қарор билан кўзда тутилган дастур ва лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини назорат қилиш, қарор ижросини мувофиқлаштириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 9-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ҳамда А.Ж. Раматов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Хидоятов ва энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 март,
ПҚ–100-сон

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

88

**Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

[Кўчирма]

2025 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. 2025 йилда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- (а) 2 миллион нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш;
- (б) 250 минг нафар хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш;
- (в) 250 минг нафар хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш;
- (г) 50 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этиш.

II. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

2. Белгилансинки, «НАМРОН» тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2025 йил 1 майдан бошлаб:

(а) хотин-қизларга «яшил лойиҳалар» ва ИТ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишига, шунингдек, камида 5 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишга қўмаклашган 1 минг нафар «устоз» тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратиш йўлга қўйилади. Бунда грант маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПҚ–385-сон қарорининг 8-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилади;

(б) ижобий кредит тарихига эга бўлган хотин-қизларга 100 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратилади;

(в) аёл тадбиркорлар томонидан кредит ҳисобидан сотиб олинаётган асбоб-ускуналар етказиб берилгунга қадар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан кафиллик тақдим этилиши йўлга қўйилади.

3. АТ «Халқ банки» Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Лойиҳалар фабрикаси» платформаси негизида қуйидаги имкониятларга эга «Тадбиркор аёллар» платформасини 2025 йил 1 июлга қадар ишга туширсин:

- (а) аёл тадбиркорларга хомашё сотиб олишга қўмаклашиш;

(б) ўзаро кооперацияни кенгайтириш ва маҳсулотларни сотиш учун бозор топиш;

(в) зарур мутахассисларни излаш ва ишга қабул қилиш;

(г) лойиҳалар доирасида юзага келаётган муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш.

4. АТ «Халқ банки» уч ой муддатда «Тадбиркор аёллар» платформаси орқали тижорат банклари, Солиқ қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

5. Савдо-саноат палатаси 2025 йил 1 майдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи «Ҳамкор тадбиркор» дастурини йўлга қўйсин:

(а) ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган хотин-қизларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш;

(б) кооперация асосида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш;

(в) маҳаллий ва халқаро электрон платформаларда хотин-қизларга ўз маҳсулотларини жойлаштириш ва сотишга қўмаклашиш.

6. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида молиявий хизматлар кўрсатиш стратегиясини тасдиқласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

(а) тижорат банкларида хотин-қизлар учун янгича ёндашувлар асосида замонавий молиявий хизматларни йўлга қўйиш;

(б) ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олган аёллар учун банк кредитлари бўйича тўловлар муддатини 10 ойгача узайтириш.

7. Савдо-саноат палатасининг 1-иловага* мувофиқ таркибда қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи етакчи ишбилармон аёллардан иборат Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) мунтазам равишда ҳудудларга чиқиб, тадбиркор хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(б) тадбиркор аёлларнинг илғор тажрибаларини бошқа ҳудудларда оммалаштиришга қўмаклашиш;

(в) аввал тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширган хотин-қизлар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва бизнес ғояларини амалга оширишга қўмаклашиш;

(г) тизимли муаммоларни ҳал қилиш юзасидан Ҳукумат ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таклифлар киритиб бориш.

8. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи яхлит тизими жорий этилсин:

(а) «Бизнесга илк қадам» йўналишида — Савдо-саноат палатаси (Н. Шотур-

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сунова) томонидан бизнес кўникмасига эга бўлмаган ташаббускор хотин-қизларни аниқлаш ва уларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш;

(б) «Бизнесни йўлга қўйиш» йўналишида — АТ «Халқ банки» (Г. Рашидова) ва бошқа тижорат банклари томонидан ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга кичик тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

(в) «Бизнесни кенгайтириш» йўналишида — «Хамроҳ» хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси» масъулияти чекланган жамияти (Д. Нурматова) томонидан бизнес-режалар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва бозор топиш кўникмаларига ўргатиш орқали кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш;

(г) «Бизнесни юксалтириш» йўналишида — Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) томонидан «Чемпион тадбиркорлар» дастури доирасида 50 нафар энг фаол аёл тадбиркорлар билан манзилли ишлаб, уларнинг йиллик айланмасини камида 100 миллиард сўмгача олиб чиқишга кўмаклашиш.

9. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров икки ҳафта муддатда ҳудудлар ва тижорат банклари кесимида 2025 йилда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни тасдиқласин.

III. Хотин-қизларни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш

10. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ. Рафиқов, З. Маҳкамова) ҳар йили «Аёллар дафтары»га киритилган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 50 минг нафарини Тошкент вилоятидаги дам олиш масканларига юбориб, уларга психологик ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ушбу тадбирларни молиялаштириш чораларини кўриб борсин.

11. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини уй-жой билан таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида рақамлаштириш, касбий таълим соҳасида замонавий ёндашувларни жорий қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

13. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бир ой муддатда вазирлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация ечимларини жорий қилиш, аҳолини, шу жумладан, аёлларни замонавий касбларга ўқитиш ҳамда юқори даромадли меҳнатга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. 2025 йилда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Мазкур қарорнинг мақсадларига эришиш доирасида қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

(а) Марказий банк (Т. Ишметов) ва тижорат банклари 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишга;

(б) Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ. Рафиқов) 636 минг нафар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни даромадли меҳнат билан таъминлашга;

(в) Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махкамова) хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 100 минг нафар хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш ва уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун қўмаклашишга;

(г) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) 250 минг нафар хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишга.

16. Мазкур қарор доирасида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишларнинг натижадорлиги устидан назорат Бош прокурор ўринбосари Д.С. Касимовга юклансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 март,
ПҚ–103-сон

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 4-илова берилмайд.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****89 Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қў-
шимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–15-сон «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 январдаги 26-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2025 йил 22 январдаги 31-сон «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 27 октябрдаги 14-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3467, 2023 йил 27 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2023 й., 10/23/3467/0806-сон) билан тасдиқланган Давлат хизматлари ягона реестрига иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 4 март,
5-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 мартда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

90 Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me'yorlangan sonini belgilash to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
7-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1989-4*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-oktabrdagi 722-son "Byudjet tashkilotlari xodimlarining mehnatiga haq to'lash va shtatlar jadvalini shakllantirish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi va Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston "O'zkommunxizmat" agentligi va O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2009-yil 16-iyundagi 07-125-son, 64-son qarori (ro'yxat raqami 1989, 2009-yil 29-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y, 30-31-son, 354-modda) bilan tasdiqlangan Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me'yorlangan sonini belgilash to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi vaziri**

Sh. XIDOYATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-fevral,
1989-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 30-yanvar,
229-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-martda e'lon qilingan.

Kelishildi:

***Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri***

B. ZAXIDOV

2025-yil 27-yanvar

O'zbekiston Respublikasi
Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi
vazirligining 2025-yil 10-fevraldagi 1989-son,
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
30-yanvardagi 229-son qaroriga
ILOVA

**Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining
me'yorlangan sonini belgilash to'g'risidagi yo'riqnomaga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-bandning to'rtinchi va beshinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon qilinsin:

“boshqaruv xodimlari — tashkilotlarda o'z tuzilmasidagi muassasalarga va xodimlarga rahbarlik qiluvchi, boshqaruv funksiyalarini amalga oshiruvchi, zarur qarorlarni ishlab chiquvchi va qabul qiluvchi, tashkilot faoliyatini rejalashtiruvchi, nazorat qiluvchi va jarayonlarni tartibga soluvchi xodimlar;

yordamchi xodimlar — tashkilotlarda boshqaruv va ishlab chiqarish xodimlari faoliyatiga xizmat ko'rsatish, ishlab chiqarish va texnologik xizmat ko'rsatish jarayonlarini ta'minlash ishlarini bajarish, binolar va hududlarga texnik va xo'jalik xizmatini ko'rsatish funksiyalarini bajaruvchi xodimlar hisoblanadi;”.

2. 26-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“26. Ko'kalamzorlashtirish ishlarida band bo'lgan ko'kalamzorlashtiruvchi (ko'kalamzorlashtirish xo'jaligi ishchisi)lari tomonidan o'simliklar (ko'chatlar)ni ekish va ularni parvarish qilish uchun xodimlarning me'yorlangan soni mazkur Yo'riqnomaning 4-ilovasiga muvofiq belgilanadi.”.

3. 2-ilovaning 1-jadvali quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hududlarni supurish uchun xodimlarning
ME’YORLANGAN SONI

1-jadval

Ish turi	Har 1000 kv.m maydonga nisbatan vaqt me'yorlari (daqiqada)	O'rtacha yillik davriylik (marta hisobida)	Har 1000 kv.m maydonga yil davomida sarflanadigan vaqt (soatida)	Har 1000 kv.m maydonga yiliga belgilangan xodimning me'yorlangan soni
Hududda supuriladigan hamda tozalanadigan maydon	100,1	110	183,5	0,09

Mazkur jadvalda hududlarni supurishda xodimlarning me'yorlangan soni axlatni belgilangan joygacha transportirovka qilishni hisobga olgan holda bir yilda 1000 m² maydonni supurishga sarflanadigan vaqtdan kelib chiqib hisoblangan.

Hududni supurishda band bo'lgan xodimlarning, talab etiladigan shtat birligini aniqlashda, haqiqatda supuriladigan maydon m² da aniqlanadi.

Supuriladigan hududning haqiqiy maydoni 1000 ga bo'linadi va hosil bo'lgan son supuriladigan 1000 m² maydonni supurish uchun zarur bo'lgan xodimlarning me'yorlangan soniga ko'paytiriladi.” .

4. 4-ilova quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ko’kalamzorlashtirish ishlarida band bo’lgan ko’kalamzorlashtiruvchi (ko’kalamzorlashtirish
xo’jaligi ishchisi)lari tomonidan o’simliklar (ko’chatlar)ni ekish va ularni parvarish
qilish uchun xodimlarning
ME’YORLANGAN SONI

Ish turi	O’lchov birligi	Har 100 kv.m maydonga (100 metr) nisbatan yillik vaqt me’yorlari, soat*	Ishlab chiqarish me’yori (kishi/soat) (1 bir/3 gr)	Har 1 ga (10 000 kv.m) maydonga xodimlar soni (100 kv.m * 4 gr) (10 000 kv.m/5 gr)	Bitta xodim bir yilda xizmat ko’rsatadigan me’yori
Ko’kalamzorlashtirilgan maydon (bir yillik va ko’p yillik o’simliklar hamda archa va bargli daraxtlar ekilgan maydonlar)	100 kv.m	31,25	0,032	3,20	3125 m ²

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**91 Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш
қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 февраль,
1-сон

Келишилди:

Марказий банк раиси

Т. ИШМЕТОВ

2025 йил 11 февраль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 13 февралдаги
1-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар
чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси — депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи ташкилот;».

2. 22-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ўз капитали миқдори доирасида, бундан ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари мустасно. Агар корпоратив облигациялар суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда жойлаштирилади:»;

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«гаров хати;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг банкларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи;»;

ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 24-банд «чиқарилган» деган сўздан кейин «(таъминланмаган)» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 29¹-банд билан тўлдирилсин:

«29¹. Серияли (облигация дастури асосида) облигациялар дастури (бундан буён матнда облигация дастури деб юритилади) эмитентга унинг доирасида бир нечта облигация эмиссияларини (очиқ ёки ёпиқ тарзда жойлаштириш) кетма-кет чиқариш ҳуқуқини беради. Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган барча чиқарилган облигациялар номинал қийматларининг умумий суммаси облигация дастурида кўрсатилган суммадан ошмаслиги керак. Облигация дастури рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатга олинади.

Облигация дастурида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

эмитентнинг ваколатли бошқарув органи томонидан облигация дастури бўйича қабул қилинган қарор;

облигация дастури доирасидаги облигацияларнинг тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати ва умумий ҳажми;

облигация дастурининг амал қилиш муддати (икки йилдан ошмаслиги лозим);

облигациялар чиқарилишининг муомала муддатлари;

облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари;

облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва шартлари (облигациялар бўйича даромадлар облигация дастури доирасида чиқариладиган ҳар бир чиқариш бўйича эмитентнинг ваколатли бошқарув органи томонидан бозор талаб ва таклифларидан келиб чиқиб тасдиқланадиган алоҳида қарорда (рисолада) белгиланади);

облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш кафолатлари тўғрисидаги маълумотлар;

облигация дастури доирасида облигацияларни жойлаштириш шартлари; бошқа маълумотлар.

Облигация дастури доирасидаги ҳар бир чиқариш бўйича облигациялар чиқарилишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор мазкур Қоидаларнинг 1а-ило-васида келтирилган шаклда ҳамда рисола ушбу Қоидаларнинг 40-бандида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Облигация дастурининг амал қилиш муддати 2 йилдан ошмаган ҳолда тасдиқланади.

Облигация дастури доирасида чиқариладиган облигацияларнинг жойлаштириш муддати облигациялар дастурининг амал қилиш муддати-дан ошмаслиги лозим.

Облигация дастурининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг дастур доирасида чиқарилмаган облигацияларни чиқариш ва жойлаштиришга йўл қўйилмайди.».

5. 33-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Облигация дастури мазкур Қоидаларнинг 1б-иловасига мувофиқ ахборотни ўз ичига олиши лозим.».

6. 44-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг «г», «д» ва «е» кичик бандларидаги ҳужжатлар облигация дастури доирасида чиқарилган облигацияларни давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этилиши талаб этилмайди.».

7. Қуйидаги мазмундаги 44¹-банд билан тўлдирилсин:

«44¹. Облигация дастурини рўйхатдан ўтказиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) қуйидагиларни ўз ичига олган облигация дастурини рўйхатдан ўтказишга ариза:

эмитентнинг номи;

эмитентнинг юридик манзили;

облигацияларнинг сони, кўринишлари ва турлари;

бир дона облигациянинг номинал қиймати;

чиқарилишнинг умумий ҳажми;

облигация дастурини рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тўлов суммаси, тўлов қоғози санаси ва рақами;

эмитентнинг масъул ходими ҳақидаги маълумот ва унинг алоқа маълумотлари;

б) мазкур Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган облигациялар дастури (уч нусхада);

г) облигация дастурини қабул қилинганлигини ва уни тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённома нусхаси, агар мазкур қарор акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган бўлса — овоз беришда иштирок этган акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси;

д) эмитентнинг облигациялар дастурини қабул қилиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги қарори тасдиқланган санадан олдинги тугалланган йил давомида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича ижобий кўрсаткичлари мавжудлигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосасининг асл нусхаси (ёки тасдиқланган нусхаси);

е) эмитентнинг облигациялар дастурини қабул қилиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги қарори тасдиқланган сана учун ўз капитали миқдорини (Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида) тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосасининг асл нусхаси (ёки тасдиқланган нусхаси);

ж) эмитентнинг мустақил рейтинг баҳоси мавжуд ҳужжат нусхаси. Бунда, эмитентга рейтинг баҳосини бериш санаси облигация дастурини чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бир йилдан ошмаслиги керак.»

8. 47-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда тақдим этилган ҳужжатлардаги ваколатли шахсларнинг имзолари факсимил орқали қўйилишига йўл қўйилмайди.»

9. 1а-илова қуйидаги мазмундаги 19-банд билан тўлдирилсин:

«19. Мазкур чиқарилув учун асос бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар (облигация дастури доирасида илгари чиқарилган ва жойлаштирилган облигациялар сони, умумий ҳажми, рўйхатдан ўтган сана, рақами ва ҳоказо):_____».

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирдаги 1б-илова билан тўлдирилсин.

11. 2б-илова қуйидаги мазмундаги 17¹-банд билан тўлдирилсин:

«17¹. Мазкур чиқарилув асос учун бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар (облигация дастури доирасида илгари чиқарилган ва жойлаштирилган облигациялар сони, умумий ҳажми, рўйхатдан ўтган сана, рақами ва ҳоказо):_____».

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига 16-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

(эмитентнинг номи)

(жамият қузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

-СОН

(сана)

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

(сана)

М.Ў.

ОБЛИГАЦИЯ ДАСТУРИ

(Облигация дастурининг давомийлиги кўрсатилади)

(облигациялар дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларнинг турлари)

Облигация дастурининг тартиб рақами _____.

Тасдиқланган _____

(эмитентнинг облигация дастурини чиқариш ҳақидаги қарорни тасдиқлаган органи кўрсатилади)

«__» _____ 20__ й. Баённома № _____ асосида _____

(эмитентнинг облигация дастурини чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган манзили, почта манзили ва мулоқот телефонлари: _____

Эмитент раҳбари: _____

(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: _____

(Ф.И.О., имзо)

Сана

1. Жойлаштириладиган облигациялар номинал қийматлари ва уларнинг умумий суммаси:

(Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларнинг номинал қийматлари ва уларнинг умумий суммаси кўрсатилади)

2. Облигация дастурининг амал қилиш муддати:

(Облигация дастури доирасида облигациялар жойлаштирилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади)

3. Облигацияларнинг муомала муддати:

Облигация дастури доирасида жойлаштирилган облигацияларнинг муомала муддати кўрсатилади

4. Облигация дастури доирасида жойлаштирилиши мумкин бўлган облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари:

4.1. Эмитентнинг ихтиёрига кўра, облигация эгасининг эмитентдан белгиланган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мол-мулк эквивалентини олиш ҳуқуқи кўрсатилади, шунингдек облигация бўйича фоиз ёки бошқа мол-мулкни олиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилиши мумкин.

Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларга таъминот берилган ҳолларда, ушбу таъминотдан келиб чиқадиган облигация эгалари ҳуқуқлари кўрсатилади. Шунингдек, облигациялар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, таъминланган облигация бўйича ҳуқуқлар эгасига (сотиб олувчига) гаров таъминотидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлар ўтиши ва таъминотдан келиб чиққан ҳуқуқларни облигацияга бўлган ҳуқуқларни ўтказмасдан туриб бериш ҳақиқий эмаслиги кўрсатилади.

4.2. Агар облигациялар муомаласида бошқа чекловлар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ушбу облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва уларнинг ўтиши билан боғлиқ хусусиятлар кўрсатилади.

5. Облигациялар бўйича тўловлар ва даромадларни тўлаш тартиби ҳамда шартлари:

5.1. Облигацияларни сўндириш шакли:

Облигацияларни қайтариш шакли (нақд пул, мол-мулк), шунингдек облигация эгаларига қайтариш шаклини танлаш имконияти ва шартлари кўрсатилади. Агар облигациялар мулк билан қайтарилса, бу мулк ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

5.2. Облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:

Эмитентнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан облигация дастури доирасида чиқариладиган облигацияларни сўндириш бўйича тўловлар тартиби ва шартлари белгиланишида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

облигацияларни сўндириш муддати (санаси) ва уни аниқлаш тартиби;

облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари;

5.3. Ҳар бир облигация бўйича тўланадиган даромадни аниқлаш тартиби.

Даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби, жумладан ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади.

Агар облигациялар бўйича даромад белгиланган даврлар (купон даврлари) бўйича тўланиши назарда тутилаётган бўлса, қўшимча равишда бундай даврлар ва уларни аниқлаш тартиби, шунингдек ҳар бир ёки алоҳида купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади.

5.4. Облигациялар бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати.

Облигациялар бўйича даромадни тўлаш муддати ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади.

Агар облигациялар бўйича даромадни пулдан ўзга воситалар билан тўлаш кўзда тутилган бўлса, облигациялар бўйича даромадларни пулсиз тўлаш (ўтказиш) тартиби ҳам кўрсатилиши мумкин.

5.5. Облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш тартиби ва шартлари.

Облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш шартлари (қийматни аниқлаш тартиби), облигацияларни эмитент томонидан ёки облигация эгалари томонидан эртaroқ тўлаш талабини ўз ичига олган аризаларни йўллаш (муддатни белгилаш тартиби), эмитент томонидан облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш шартлари ва натижалари ҳақида ахборотни ошкор қилиш (тақдим этиш) тартиби, шунингдек эмитентнинг ёки облигация эгалари талабига биноан муддатидан олдин амалга ошириш ҳолатига кўра белгиланган бошқа шартлар кўрсатилади.

5.6. Облигациялар бўйича тўлов агентлари тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов агентлари ҳақидаги маълумотлар (шу жумладан, эмитент томонидан қўшимча тўлов агентларини тайинлаш ва бундай тайинлашларни бекор қилиш имконияти, шунингдек бундай ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш тартиби) кўрсатилади.

Агар облигациялар бўйича қайтариш ва (ёки) даромадларни тўлаш (ўтказиш) учун тўлов агентларини жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, ҳар бир тўлов агентлари бўйича қуйидагилар кўрсатилади:

тўлов агентларининг тўлиқ ва қисқартирилган (агар мавжуд бўлса) ташкилот номлари, жойлашуви ва давлат рўйхатидан ўтказилган рақами;

тўлов агентининг эмитент билан тузилган шартнома асосидаги мажбуриятлари.

6. Облигациялар дастури доирасида жойлаштирилган облигациялар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга доир маълумотлар:

6.1. Облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш учун таъминот берган шахс тўғрисидаги маълумотлар.

Агар облигация дастури облигацияларни жойлаштириш доирасида таъминот тақдим этилишини назарда тутаётган бўлса, ҳар бир таъминот берувчи шахс бўйича уларнинг тўлиқ ва қисқартирилган (агар мавжуд бўлса) номлари (нотижорат ташкилотлари учун — номи) ва жойлашган манзили, шунингдек жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.

Облигациялар бўйича таъминот берувчи шахснинг молиявий ва ҳўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш мажбурияти мавжудлиги кўрсатилади.

6.2. Облигациялар бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш шартлари.

7. Облигациялар дастури доирасида чиқариладиган облигацияларни жойлаштириш шартлари:

Облигациялар дастурида доирасида чиқариладиган облигацияларни жойлаштириш шартларида облигациялар жойлаштириш усули, облигацияларни жойлаштириш тартиби, нархи ва облигацияларни жойлаштириш нархини аниқлаш тартиби, облигациялар тўловининг шартлари ва тартиби қўшимча равишда кўрсатилади.

8. Бошқа маълумотлар:

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

92 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озод-
ликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муас-
сасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-9*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 августдаги ЎРҚ–948-сон «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 июндаги 358-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бино ва иншоотларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Олий суд ва Бош прокуратура билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 февраль,
78-сон

Келишилди:

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил

Ф. ЭШМАТОВА

2025 йил 17 январь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 мартда эълон қилинган.

*Олий суд раиси**Б. ИСЛАМОВ**2025 йил 25 январь**Бош прокурор**Н. ЙЎЛДОШЕВ**2025 йил 4 февраль*

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2025 йил
12 февралдаги 78-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан
махрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг
ички тартиб қоидаларига киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 69-банд қуйидаги таҳрирдаги ўн тўртинчи — ўн олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Маҳкумлар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Маҳкумларда уларнинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Маҳкумларга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқи берилади.».

2. 196-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«196. ЖИЭМда маҳкумларнинг ишдан бўш вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари учун Face-ID идентификация тизими мавжуд бўлган инфокиоск (бундан буён матнда инфокиоск деб юритилади) ташкил этилади ҳамда ушбу инфокиоск ҳар куни ишлаши таъминланади.

Маҳкум инфокиоскдан фойдаланиш учун Face-ID идентификация тизими орқали юз қиёфасидан унинг шахси идентификация қилинади ва унга инфокиоскнинг шахсий менюсига кириш учун шахсий идентификация ID-рақами берилади.

Шахсий менюда ҳар бир маҳкумга унинг шахсий ҳисобида мавжуд маблағ, ой давомида харид қилиш мумкин бўлган маблағ лимити ҳамда харидлар тарихи акс эттирилади.».

3. 197-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«197. Маҳкум озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун инфокиоскнинг буюртма менюсига кириб, зарур маҳсулотларни танлайди ва буюртма беради.

Инфокиоск орқали амалга оширилган буюртманинг етказиб бериш муддати маҳкумнинг шахсий менюсида кўрсатилади ҳамда инфокиоск қурилмадан маҳкумга буюртма чеки чиқарилади.

Буюртма берилган маҳсулотнинг беш кун муддатда ЖИЭМга етиб келиши ЖИЭМ маъмурияти томонидан назорат қилинади.

Буюртма берилган маҳсулот ЖИЭМга етиб келгандан сўнг ушбу маҳсулот ЖИЭМ маъмурияти томонидан маҳкумларга имзо қўйдирилган ҳолда тарқатилади.

Турмаларнинг камераларида ҳамда умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларида сақланаётган маҳкумларни инфокиоскга олиб чиқиш тақиқланади. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни, одатда, ижтимоий ходим орқали планшетга ўрнатилган электрон дастурдан фойдаланиб сотиб олади.».

4. 198-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Қуйидаги мазмундаги 241¹ ва 241²-бандлар билан тўлдирилсин:

«241¹. ЖИЭМнинг ҳар бир турар жой секторида, саноат зоналарида, қисқа ва узоқ муддатли учрашувларни ўтказиш учун мўлжалланган биноларда, маҳкумлар мурожаатларни қолдириши учун қулай бўлган жойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) мурожаатлар қутиси, тарбия колонияларида эса қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилига (Болалар омбудсманига) мурожаатлар қутиси ўрнатилади (бундан буён матнда Омбудсман қутиси деб юритилади).

Омбудсман қутисига мурожаатларни маҳкумлар тўғридан-тўғри ўзлари ташлайди ва мазкур мурожаатлар ЖИЭМ маъмурияти томонидан кўздан кечирилмайди.

241². Омбудсман қутиси тегишинча фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки унинг Девони ходимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ёки унинг котибияти ходимлари томонидан очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки унинг Девони ходимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ёки унинг котибияти ходимлари томонидан қутидан мурожаатларни олгандан сўнг ушбу қутининг муҳрланишини таъминлайди.».

6. 21-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

93 Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
12-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3611*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-oktabrdagi PQ-411-son "Aholini sifatli dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta'minlash yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi hamda 2024-yil 29-noyabrdagi PQ-408-son "Tibbiyot muassasalarini farmatsevtika mahsulotlari va tibbiy jihozlar bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

4. Mazkur buyruq 2028-yil 1-yanvarga qadar amal qiladi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-fevral,
5-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya
qilish bo'yicha vakil*

D. KASIMOV

2025-yil 31-yanvar

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 27-yanvar

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-martda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil
27-fevraldagi 5-son buyrug'iga
ILOVA

**Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash
sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat
beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan
o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari
va tibbiy buyumlar
RO'YXATI**

1-bob. Dori vositalari ro'yxati		
T/r	Dori vositalarining xalqaro patentlanmagan nomi	Dori shakli
1.	Aflibersept (Aflibercept)	Tomir ichiga kiritish uchun eritma/Ko'z ichiga kiritish uchun eritma
2.	Sapropterin (Sapropterin)	Tabletka 100 mg
3.	Burosumab (Burosumab)	Inyeksiya uchun eritma 30 mg/ml
4.	Deflazakort (Deflazacorte)	Tabletka 30 mg
5.	Miglustat (Miglustat)	Kapsula 100 mg
6.	Perampanel (Perampanel)	Tabletka 2 mg, 4 mg, 8 mg, 10 mg
7.	Vigabatrin (Vigabatrin)	Tabletka 500 mg; kukun 500 mg
8.	Modafinil (Modafinil)	Tabletka 5 mg
9.	Tetrakozaktid (Tetracosactide)	Mushak ichiga kiritish uchun suspenziya 1 mg/1 ml
10.	Mitomitsin (Mitomycin)	Ineksion eritma tayyorlash uchun kukun 10 mg, 20 mg
11.	Pleriksafor (Plerixafor)	Teri ostiga kiritish uchun eritma 24 mg/1.2 ml.
12.	Pegfilgrastim (Pegfilgrastim)	Teri ostiga kiritish uchun eritma, 0,6 ml shprits to'plamda ignasi bilan, 6 mg/0,6 ml
13.	Deksrazoksan (Dexrazoxane)	Infuzion eritma tayyorlash uchun liofillangan kukun, 250 mg
14.	Yodlangan yog' kislotalarining etil efiri	Endolimfatik inyeksiya uchun eritma 480 mg yod /1 ml
15.	Dimerkaptopropansulfonat natriy (sodium dimercaptopropane sulfonate)	Teri osti va mushak ichiga kiritish uchun eritma 50 mg/ml, 5 ml
16.	Veritsiguat (Vericiguat)	Tabletka 5 mg
17.	Riotsiguat (Riociguat)	Tabletka 1 mg
18.	Dabigatrana eteksilat (Dabigatrani etexilas)	Tabletka 110 mg
19.	Tiروفiban (Tiروفiban)	Tomir ichiga infuziya uchun eritma fl. 5 mg/100 ml
20.	Kangrelor (Cangrelor)	Inyeksiya uchun eritma 50 mg

21.	Glyukagon (Glucagonum)	Ineksion eritma tayyorlash uchun liofilangan kukun, to‘plamda erituvchi bilan (1 shprints) 1 mg
22.	Cemaglutid (Semaglutide)	Teri ostiga kiritish uchun eritma, shprints-ruchkada katridj 1,34 mg/1 ml
23.	Piridostigmina bromid (Pyridostigmine bromide)	Tabletka 60 mg
24.	Omalizumab (Omalizumab)	Teri ostiga kiritish uchun eritma tayyorlash uchun liofilizat 150 mg
25.	Ikatibant (Icatibant)	Teri ostiga kiritish uchun eritma 10 mg/ml 3 ml
26.	Busulfan (Busulfanum)	Plenka qobiq bilan qoplangan tabletkalar 2 mg; vena ichiga kiritish uchun eritma tayyorlash uchun konsentrat 6 mg/ml
27.	Fludarabin (Fludarabin)	Vena ichiga kiritiladigan eritma tayyorlash uchun liofilizat 25 mg/ml, 50 mg
28.	DC Bead	Kollateral tomirlarning embolizatsiyasi uchun
29.	Amilnitrit (Amylnitrite)	Ingalyatsiya uchun suyuqlik 0,5 ml
30.	Klonazepam (Clonazepam)	Tabletka
31.	Klobazam (Clobazam)	Tabletka
32.	Baklofen (Baclofen)	Tabletka
33.	Zardob	Botulizmga qarshi zardob A, V va E tiplari
34.	Imiglyutseraza (Glurazim) 400	flakon

2-bob. Tibbiy buyumlar ro‘yxati

T/r	Tibbiy buyumlar nomi	Amaliyotda qo‘llanilishi
1.	Intraokulyar linza SWIF modeli — bir martalik sarf vositasi	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
2.	Intraokulyar linza RSP-3 modeli	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
3.	Intraokulyar linza T-26 modeli	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
4.	Iris retraktor — bir martalik sarf vositasi	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
5.	Iridokopsulyar rekraktor — bir martalik sarf vositasi	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
6.	Konyuktiva uchun alloplant — sarf vositasi	Ko‘z olmasi shilliq qavatlari turli sabablarga ko‘ra chandiqlanish holatlarida ishlatiladi
7.	Sklera uchun alloplant — sarf vositasi	Ko‘z olmasi shilliq qavatlari turli sabablarga ko‘ra chandiqlanish holatlarida ishlatiladi
8.	Ventral churralar (grija) plastikasi uchun biomaterial (“yamoq”)	Jarrohlik amaliyotida ishlatiladi
9.	Silicone ventral wall defect silo bag	Gastroshizis holatida qo‘llaniladigan qopcha
10.	Laparoscopic surgery retrieval pouch	Laproskopiya va torakoskopiyada yekstraksiya uchun qo‘llaniladigan qopcha

11.	3 M Iodan Antimicrobial Incise Drape	Mikroblarga qarshi lenta
12.	Colorado Micro Dissection Needle	Mikrokoagulyatsiya uchun qo'llaniladi
13.	Pfm medical mepro Lk VSD	Qorinchalararo to'siq nuqsonini davolashda ishlatiladi
14.	Pfm medical mepro PDA	Ochiq arterial naychani davolashda ishlatiladi
15.	Pfm medical mepro PFO	Ochiq arterial naychani davolashda ishlatiladi
16.	Amplatzer vascular plug	Tomirlar okklyuziyasida ishlatiladi
17.	Transcatheter Pulmonary Valve System	O'pka arteriyasi klapani transkateter protezlashda ishlatiladi
18.	Neyrodiagnostik kontakt pastasi	YEYEG tekshiruvini o'tkazish uchun ishlatiladi
19.	Glaukوماتoz klapan Ahmed FP 7	Antiglaukوماتoz jarrohlighida ishlatiladi
20.	Luer Lock tirqishli to'g'ri aortal kanyulya, metall mustahkamlagich bilan birga	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
21.	DLP to'g'ri aortal kanyulya	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
22.	DLP metall mustahkamlagichlik egilgan venoz kanyulya	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
23.	To'g'ri venoz kanyulya mustahkamlagichi bilan birga	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
24.	Koronar arteriya uchun kanyulya	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
25.	Yangi tug'ilgan chaqaloqlar, bolalar va kattalar uchun so'rg'ichlik kardioplegik kanyulya	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
26.	Chap qorincha kanyulyasi	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
27.	Gegara bujlari 10 mm dan 36 mm gacha o'lchamlarda	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
28.	Tomir bujlari (kengaytirgichlar) 2 mmdan 20 mm gacha	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
29.	PTFE quvursimon protez turli xil o'lchamlarida	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
30.	PTFE perikardial membrana	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
31.	Ftorlavsan nuqsoni uchun yamoqlar	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
32.	Ksenoperikard	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi
33.	Iplar PTFE, ikki marta teshuvchi igna (diametri 0,040; 0,049; 0,050; 0,069; 0,070; 0,099 mm)	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi (USP 8-0; 7-0; 6-0)
34.	Iplar PTFE, ikki marta teshuvchi igna (diametri 0,100; 0,149; 0,150; 0,199; 0,200; 0,249 mm)	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi (USP 5-0; 4-0; 3-0)
35.	Iplar PTFE, ikki marta teshuvchi igna (diametri 0,300; 0,349; 0,350; 0,399 mm)	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi (USP2-0; 0 (1-0))
36.	Coseal Bio Glue	Bolalar yurak jarrohlighida ishlatiladi

37.	Floseal Bio Glue	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
38.	Ekstrakorporal membaranali oksigenatsiya (YECMO) uchun arterial konyulya	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
39.	Ekstrakorporal membaranali oksigenatsiya (YECMO) uchun venoz konyulya	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
40.	Qizilo'ngach varikoz tomirlarini bog'lash uchun endoligatori	Portal gipertenziya, qizilo'ngach varikoz kengayishida ishlatiladi
41.	Qizilo'ngachning ballon dilatatori, kattalar va bolalar uchun	Qizilo'ngachning chandiqli stenozi va strikturalarida ishlatiladi
42.	Qizilo'ngachning yendoskopik buj to'plami (komplekt)	Qizilo'ngachning chandiqli stenozi va strikturalarida ishlatiladi
43.	Biodegradatsiyalanuvchi qizilo'ngach stenti	Qizilo'ngachning chandiqli stenozida ishlatiladi
44.	Mikrokater QuickCross 0.035/150 sm	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
45.	Angio Seal tikuv qurilmasi	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
46.	Proglide tikuv qurilmasi	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
47.	Kateter, bachadon arteriya embolizatsiyasi uchun	Bachadon arteriyasi embolizatsiya/mioma va adenomalari uchun ishlatiladi
48.	Tromboekstraktor	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
49.	Qon tomirlar qisqichlari (doimiy va vaqtinchalik)	Bosh miya qon-tomirlari anevrizmlari va arterio-venoz malformatssiyalarida ishlatiladi
50.	Oqimni yo'naltiruvchi stent	Bosh miya qon-tomirlari anevrizmlarida ishlatiladi
51.	Jarrohlikdan so'ng plevraning faol aspiratsiyasi uchun sozlanuvchan bosimli uskuna	Yuqori darajali yo'qotilgan qon xajmini yig'ish va nazorat qilish uchun qo'llaniladi
52.	Kontegra (o'pka allograftlari)	O'pka klapani va qon tomirlarini almashtirish uchun ishlatiladi
53.	Traxeya bo'shlig'i plastikasi uchun T-simon silikon stent	Traxeyada jarrohlik amaliyotidan so'ng ishlatiladi
54.	VTS jarrohligi uchun silikon jaroxat kengaytirgich	Aortakoronar shuntlash jarrohlik amaliyotida ishlatiladi
55.	Tomirlar retraksiyasi uchun silikon jgut	Aortakoronar shuntlash jarrohlik amaliyotida ishlatiladi
56.	Yurak to'siqlari transseptal funksiyasi uchun to'plam	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
57.	O'ta qattiq o'tkazgich: Extra stiff wire guide Lunderquist	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi

58.	Gidrofil o'tkazgichlar	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
59.	Periferik nitinol o'tkazgich	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
60.	Gayd uzaytirgich Guide Extension Catheter Guidezilla TM II	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
61.	Mikrokateter Corsair	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
62.	Periferik tomirlarni yembolizatsiyasi uchun tolali spiral	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
63.	Koronar arteriyalar uchun tromboaspirator	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
64.	IVL uskunalarini uchun oqim datchiki	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
65.	Arterial qon bosimini o'lchash uchun invaziv datchik DP-ED-20	Respirator terapiyada ishlatiladi
66.	LUMINEX 200 komplekti va reaktivlari bilan	Immun holatni aniqlash uchun qo'llaniladi
67.	Operatsion maydon uchun ishlatiladigan tibbiyot jarrohlik plyonkasi	Travmatologiyada ochiq usulda operativ muolajalarida qo'llaniladi
68.	Gel 7% (Kollost gel 7%) — I tipdagi so'rilib ketuvchi bioplastik kollagen material	Chuqur kuygan yaralarini plastik yopishda sun'iy o'stirilgan teri xujayralarini tashuvchi vosita
69.	Gistoeqivalent-bioplastik material	Katta maydonli yuza va chuqur kuygan yaralarini davolash uchun qo'llaniladi
70.	Ko'tariluvchi aortaning protezi	Ko'tariluvchi aortani protezlashda ishlatiladi
71.	Aorta ravog'ining 3 shoxli protezi	Aorta ravog'ini protezlashda ishlatiladi
72.	Teflon prokladka	Yurak qon-tomir operatssiyalarida ishlatiladi
73.	Metall sim (steel)	Yurak qon-tomir amaliyotidan so'ng ko'krak qafasini yopish uchun qo'llaniladi
74.	Koronar rezinka	Koronar shuntlash amaliyotida qon ketishini nazorat qilish uchun qo'llaniladi
75.	Oshqozon-ichak traktining qon ketayotgan tomirlari uchun qisqichlar	Oshqozon ichak traktidan qon ketish holatlarida ishlatiladi
76.	Turli xil o'lchov va shakldagi titanli anevrezmatik qisqichlar (standart va mini variantlar)	Bosh miya qon-tomir jarrohlik amaliyolarida (anevrizmlar, malformatssiyalar) ishlatiladi
77.	Blekmor zondi turli xil o'lchamlari	Bolalarda qizilo'ngachning varikoz vena tomirlaridan qon ketishni to'xtatish uchun qo'llaniladi
78.	Kizilo'ngach kengaygan vena tomirlariga endoskopik ligatorlar	Qizilo'ngach kengaygan vena tomirlardan qon ketganda ishlatiladi
79.	Krioablatsiya uchun ballon	Yurak aritmiyalarida radiochastotali ablyatssiyasi uchun qo'llaniladi
80.	Krioablatsiya uchun kateter	Yurak aritmiyalarida radiochastotali ablyatssiyasi uchun qo'llaniladi

81.	Venalarni yopishtirish tizimi	Yurak aritmiyalarida radiochastotali ablyatssiyasi uchun qo'llaniladi
82.	Langarli ushlab turuvchi (fiksator)	Paylar va boylamlar fiksatsiyasi uchun qo'llaniladi
83.	Menisk tikish uchun asbob (All inside va inside-outside usuli bo'yicha meniskni tuzatish)	Travmatologik jarohatlarda ishlatiladi
84.	Turniket (manjetli jgut)	Qo'l va oyoq ortopedik hamda travmatologik amaliyotlarda ishlatiladi
85.	Vertebroplastikalar uchun ignalar	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
86.	Bosh miya qattiq pardasining o'rnini bosuvchi vosita (implant)	Bosh miya jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
87.	Orqa miya sintetik yopishtiruvchi (kley)	Muhrlanish va yopishqoqlikka qarshi tizim. Neyroxirurgiya jarrohlik amaliyotida orqa miya qattiq parda vositasiga standart usullariga qo'shimcha sifatida foydalanish uchun ko'rsatilgan
88.	Karotid shunti	Karotid endarterektomiya jarrohlik amaliyoti uchun qo'llaniladi
89.	Transpedikulyator fiksatorlar sistemasi (6 vintlik)	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
90.	Z-plate plastina	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
91.	Epidermal o'sish omili EGFR 113 retseptorlari uchun monoklonal sichqon antitanachalari, 1:20 suyultirilgan	Davolashda epidermal o'sish omili retseptorlari mutatsiyalarini aniqlash
92.	c-erbB-2 Oncoprotein antitanachalari	Epidermal o'sish faktori markerlarini aniqlash
93.	Sitokeratin 5/6 sichqon monoklonal antitanachalari	Kichik bo'lmagan hujayrali o'pka o'smasi markerlari
94.	Sitokreatin-6 antitanachalari	Sitokeratin 6 o'smasi markerini aniqlash
95.	Sitokreatin 7 antitanachalari	Xavfli va xavfsiz o'smalarning differensiatssiyasi
96.	Sitokreatin 14 antitanachalari	Sut bezlari kartsini bazal va bazal bo'lmagan tiplarini differensiatssiyasi
97.	Sitokreatin 19 antitanachalari	Turli tipdagi epiteliy xavfli o'smalarning differensiatssiyasi
98.	Sitokreatin 20 antitanachalari	Xavfli o'smalar transformatsiyasidan spetsifik siydik pufagi hujayralarini differensiatssiyasi
99.	Epidermal membrana antigeni (GPI.4) antitanachalari	Bullyoz pemfigoidi markerlari
100.	r16 antitanachalari	O'sma hujayralari proliferatsiyasi markerlari
101.	r53 antitanachalari	O'sma hujayralari o'sishi monitoringi
102.	S3 oqsili, AFP RTU Primary antitanachalari	O'sma kasalliklari terapiyasi monitoringi

103.	PAX5 uchun antitanachalari	Limfomalar differensiatssiyasi
104.	CD99, PCB1 kloni uchun sichqon monoklonal antitanachalari, 1:50 suyultirilgan	Yung sarkomasi differensiatssiyasi
105.	PD-L1 antitanachalari	Xavfli o'smalarni samarali davolash hamda prognozi biomarkerlari
106.	MUM-1 antitanachalari	Ko'p miyeloma markerlari
107.	CD43 antitanachalari	Viskot-Oldrich sindromi diagnostikasi
108.	Multi-sitokreatinlar (AYE1/AYE3) antitanachalari	AYE1/AYE3 o'smalari markerlarini aniqlash
109.	VGFR ga sichqon monoklonal antitanachalari, parafinlangan kesimlarda immunogistokimyoviy tadqiqotlar, VG1 kloni uchun suyuq, konsentrlangan shakli, 1:25 suyultirilgan	Qon tomirlar endoteliyasi o'sish faktorini aniqlash
110.	Melan A antitanachalari	Melanoma diagnostikasi
111.	Melanoma markeri (HMB-45) antitanachalari	Mezotelima diagnostikasi
112.	Mezotelioma sichqon monoklonal antitanachalari	Yumshoq to'qima va ter pleomorf o'smalarini bo'linishi
113.	Desmin uchun antitanachalari	Revmatoid artrit markerlari
114.	Bimentin antitanachalari	Vimentinni aniqlash
115.	S-100 antitanachalari	O'sma kasalliklarini davolashni prognoz va nazorat qilish
116.	Xromogranin antitanachalari	Xromgraninni aniqlash
117.	Inson xorionik gonadotropini antitanachalari (poliklonal)	Poliklonal xorionik gonadotropinni aniqlash

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

94 O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tijorat banklari bilan depozit operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3079-2*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi hamda "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 22-sentabrda 30/13-son qarori (ro'yxat raqami 3079, 2018-yil 25-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.10.2018-y., 10/18/3079/2122-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tijorat banklari bilan depozit operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-fevral,
5/8-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-martda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil
28-fevraldagi 5/8-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tijorat banklari
bilan depozit operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi
nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan bank tizimi likvidligini tartibga solish hamda pul-kredit siyosati foiz instrumentlari samaradorligini oshirish maqsadida tijorat banklarining pul mablag'larini jalb qilish va ularni qaytarish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-bandning to'qqizinchi xatboshisidagi “Markaziy bank Kredit qo'mitasi” degan so'zlar “Markaziy bank boshqaruvi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 4-banddagi “Markaziy bankning Kredit qo'mitasi” degan so'zlar “Markaziy bank boshqaruvi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGINING
QARORI

95 **Temir yo‘l transporti yo‘lovchilarining qo‘l yukini, bagajini, valyutasini va valyuta boyliklarini bojxona nazoratidan o‘tkazish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3233-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Transport vazirligi hamda Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi, Moliya vazirligi, Transport vazirligi va Markaziy bank boshqaruvining 2020-yil 20-martdagi 01-02/12-10, 14, 7, 3/2-son qarori (ro‘yxat raqami 3233, 2020-yil 2-may) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 02.05.2020-y., 10/20/3233/0540-son) bilan tasdiqlangan Temir yo‘l transporti yo‘lovchilarining qo‘l yukini, bagajini, valyutasini va valyuta boyliklarini bojxona nazoratidan o‘tkazish va rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 6-bandini “v” kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“v) bojxona ko‘zdan kechiruvi va bojxona ko‘rigi uchun belgilangan vaqt me‘yorlari, bunda:

yo‘lovchini shaxsiy ko‘rikdan o‘tkazish vaqti 30 daqiqa ichida;

bitta bagajning bojxona ko‘rigi va (yoki) bojxona ko‘zdan kechiruvi 10 daqiqa va alohida kuzatib boriladigan (bagaj, pochta va (yoki) pochta-bagaj vagonlaridagi) bagajni 30 daqiqa ichida;

bitta yo‘lovchining qo‘l yuki, bagaji, valyuta va valyuta qimmatliklarining bojxona ko‘rigi, bojxona ko‘zdan kechiruvi hamda yo‘lovchi bojxona deklaratsiyasini rasmiylashtirish vaqti 1,5 daqiqa ichida amalga oshiriladi. Ushbu muddat quyidagi hollarda bojxona organi tomonidan 5 daqiqagacha uzaytirilishi mumkin:

xavflarni boshqarish tizimining topshirig‘i asosida;

bojxona organiga yo‘lovchining noqonuniy xatti-harakatlari to‘g‘risida ma‘lumotlar kelib tushganida;

olib kirilayotgan yoki olib chiqilayotgan naqd chet el valyutasi va valyuta boyliklarining nazoratini amalga oshirish maqsadida;

bojxona organining mansabdor shaxsi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-martda e‘lon qilingan.

Bojxona kodeksining 188-moddasida ko'rsatilgan bojxona nazoratining shakllarini qo'llash natijasida yo'lovchining bojxona to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablarini buzganligi alomatlari mavjudligi aniqlanganda."

2. Ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-fevral,
235-son

Markaziy banki boshqaruvi raisi

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 24-fevral,
5/14-son

Transport vaziri

I. MAXKAMOV

Toshkent sh.,
2025-yil 17-fevral,
1-son

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

96

haqida

**O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti
(3-sonli BHS) “Budjet hisoboti”ga o‘zgartirishlar kiritish**

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3124-7*

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 18-dekabrda gi 157-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.01.2019-y., 10/19/3124/2524-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (3-sonli BHS) “Budjet hisoboti”ga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 11-fevral,
231-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
11-fevraldagi 231-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (3-sonli BHS)
“Budjet hisoboti”ga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 11 va 13-bandlarning sakkizinchi xatboshilari, 2-bobning 8-paragrafi nomi, 160-bandning beshinchi xatboshisi va 164-banddagi “Ta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 30-bandning o‘ninchi xatboshisidagi “umumta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “davlat umumiy o‘rta ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 32-bandning to‘rtinchi xatboshisi, 56 va 70-bandlardagi “ta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “davlat ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 54-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

5. 105-banddagi “Ta‘lim muassasalarida” va “ta‘lim muassasalaridagi”

degan soʻzlar tegishli ravishda “Davlat taʼlim tashkilotlarida” va “davlat taʼlim tashkilotlaridagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

6. 106-bandning birinchi xatboshisidagi “Taʼlim muassasalari” degan soʻzlar “Davlat taʼlim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

7. 114-bandda:

ikkinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

uchinchi — oʻn oltinchi xatboshilar tegishli ravishda ikkinchi — oʻn beshinchi xatboshilar deb hisoblansin;

sakkizinchi xatboshidagi “umumtaʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “davlat umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

oʻn ikkinchi xatboshidagi “taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

8. 1-ilovada:

048 va 308-qatorlar chiqarib tashlansin;

060-qatorning nomidan “048+” raqamlari chiqarib tashlansin;

330-qatorning nomidan “308+” raqamlari chiqarib tashlansin;

412-qatorning nomidagi “Taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. 2-ilovada:

018-qatorning nomidagi “Umumtaʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

033-qatorning nomidagi “Taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

10. 4-ilovadan “Budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari Pensiya jamgʻarmasi bilan debitor qarzlari” qatori chiqarib tashlansin.

11. 7-ilovaning nomidagi “Taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

12. 8-ilovada:

“Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamgʻarmasining ijtimoiy nafaqalarni toʻlash uchun mablagʻlari (4-002-0-0)” qatori chiqarib tashlansin;

“Umumtaʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

“taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

“4002-0-0” ustun chiqarib tashlansin.

13. 13-ilovada:

a) 105, 346, 436, 454-qatorlar chiqarib tashlansin;

b) 110-qatorning nomidan “105+” raqamlari chiqarib tashlansin;

d) 350-qatorning nomidan “346+” raqamlari chiqarib tashlansin;

e) 431-qatorning nomidan “436+” raqamlari chiqarib tashlansin;

f) 460-qatorning nomidan “454+” raqamlari chiqarib tashlansin;

g) 472 va 512-qatorlarning nomidagi “Taʼlim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat taʼlim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

h) “Budjet tashkilotlarining Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi

budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi tomonidan ijtimoiy nafaqalarni to'lash uchun o'tkazib bergan pul mablag'lari bo'yicha moliyaviy natijalari" qatori chiqarib tashlansin;

i) 610, 611 va 620-qatorlar chiqarib tashlansin;

j) 650-qatorning nomidan "620+" raqamlari chiqarib tashlansin;

k) 1-ilovada:

030, 080, 144 va 324-qatorlar chiqarib tashlansin;

040-qatorning nomidan "030+" raqamlari chiqarib tashlansin;

100-qatorning nomidan "080+" raqamlari chiqarib tashlansin;

330-qatorning nomidan "324+" raqamlari chiqarib tashlansin;

122 va 342-qatorlarning nomidagi "Ta'lim muassasalarida" degan so'zlar "Davlat ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

**97 O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining
chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi
nizomning 19-bandiga qo'shimcha kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3294-2*

O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida”gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 27-dekabrda PF–229-son “Tadbirkorlar uchun teng sharoitlar va adolatli raqobat muhitini ta'minlash bo'yicha navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 10-martdagi 28/21-son qarori (ro'yxat raqami 3294, 2021-yil 3-aprel) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 03.04.2021-y., 10/21/3294/0285-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi nizomning 19-bandi birinchi xatboshisi “davlat boji va yig'implarni to'lash” degan so'zlardan keyin “, mobil ilovalar orqali elektr energiyasi va tabiiy gaz uchun to'lovlarni amalga oshirish” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 25-fevral,
5/12-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-martda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

98 O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti
(2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga o'zgartirishlar
kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3078-5*

O'zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi va O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 10-sentabrda 125-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 22.10.2018-y., 10/18/3078/2073-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 11-fevral,
232-son

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
11-fevraldagi 232-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti
(2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 23-bandning birinchi xatboshisidan "byudjet tashkilotlarining pensiya va nafaqalarni to'lash uchun," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. 35-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"35. 330 000 "Byudjet tizimi budjetlarining va boshqa byudjetdan tashqari jamg'armalarning xarajatlari bo'yicha majburiyatlar" schyotining tegishli subschyotlari Byudjet tizimi byudjetlarining va boshqa byudjetdan tashqari jamg'armalarning, O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining g'aznachilikda milliy valyutadagi depozit shaxsiy hisobvarag'i mablag'lari bo'yicha, byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'larini oluvchilarning byudjetga o'tkazilishi lozim bo'lgan

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-martda e'lon qilingan.

(o'tgan yilning debitor qarzdorligini, kamomadlarni, tekshiruv natijasiga ko'ra aniqlangan o'zlashtirishlarni) mablag'lari hamda hisoblangan xarajatlar bo'yicha majburiyatlarni o'z ichiga oladi.”.

3. 47-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. 800 000 “Hisoblangan xarajatlar (moliyaviy majburiyat)” schyotining tegishli subschyotlari budjet tizimi budjetlarining va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning, O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining g'aznachilikda milliy valyutadagi depozit shaxsiy hisobvarag'i mablag'lari bo'yicha, budjet tashkilotlari va budjet mablag'larini oluvchilarning budjetga o'tkazilishi lozim bo'lgan (o'tgan yilning debitor qarzdorligini, kamomadlarni, tekshiruv natijasiga ko'ra aniqlangan o'zlashtirishlarni) mablag'lari bo'yicha hisoblangan xarajatlarni o'z ichiga oladi.”.

4. 49-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. 990 000 “Budjet ijrosining moliyaviy natijalari” schyotining tegishli subschyotlarida budjet tizimi budjetlarining va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning, O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining g'aznachilikdagi depozit mablag'lari hamda o'tgan yilgi debitorlik qarzdorliklar, kamomadlar, tekshiruv natijasiga ko'ra to'lovlar bo'yicha moliyaviy natijalarning hisobi yuritiladi.”.

5. 56, 81, 105 va 258-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

6. 59 va 76-bandlardagi “ta'lim muassasalaridagi” degan so'zlar “davlat ta'lim tashkilotlaridagi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 62, 77, 296 va 297-bandlardagi “Ta'lim muassasalarida” degan so'zlar “Davlat ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 64-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“64. 102 411 “Umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarida darsliklar ijarasi to'lovi” subschyotida umumiy o'rta ta'lim tashkilotlaridagi darsliklar ijarasi to'lovidan tushgan mablag'lar va ularning harakati hisobi yuritiladi.

Umumiy o'rta ta'lim tashkilotlaridagi darsliklar ijarasi to'lovi hisoblanganda 151 900 “Budjet tashkilotlarining boshqa turdagi hisob-kitoblardan debitor qarzlari” subschyoti debetlanadi va 345 000 “Budjet tashkilotining ixtiyorida vaqtincha bo'ladigan mablag'lar bo'yicha kreditor qarzlari” subschyoti kreditlanadi. Mazkur ijara to'lovi budjet tashkilotiga tushganda, 151 900 “Budjet tashkilotlarining boshqa turdagi hisob-kitoblardan debitor qarzlari” subschyoti kreditlanadi va 102 411 “Umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarida darsliklar ijarasi to'lovi” subschyoti debetlanadi.

Umumiy o'rta ta'lim tashkilotlari tomonidan undirilgan ijara to'lovlari O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Respublika maqsadli kitob jamg'armasiga o'tkazib berilganda, 345 000 “Budjet tashkilotining ixtiyorida vaqtincha bo'ladigan mablag'lar bo'yicha kreditor qarzlari” subschyoti debetlanadi va 102 411 “Umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarida darsliklar ijarasi to'lovi” subschyoti kreditlanadi.”.

9. 67-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“67. 102 415 “Boshqa davlat ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar” subschyotida tashkilotlarning hisobvaraqlariga

ким қилган давлат та'лим ташкилотларидagi болаларнинг ота-оналари томонидан то'ланadigan badallari hisobga olinadi.

Mablag'larni ota-onalardan ким қилиниши 102 415 “Boshqa davlat ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar” subschyotining debetida va 151 400 “Budjet tashkilotlarining to'lovlarning maxsus turlariga doir hisob-kitoblardan debitor qarzlari” subschyotining kreditida, belgilangan maqsadlarga xarajati hisob-kitoblar va boshqa tegishli subschyotlarning debetida va 102 415 “Boshqa davlat ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar” subschyotining kreditida aks ettiriladi.”.

10. 75-bandda:

yettinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

sakkizinchi xatboshi yettinchi xatboshi deb hisoblansin.

11. 100-bandning beshinchi va oltinchi xatboshilari, 253-bandning beshinchi va oltinchi xatboshilari hamda 280-banddagi “ta'lim muassasalarida” degan so'zlar “davlat ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

12. 110 va 264-bandlardagi “oliy o'quv yurtlari” degan so'zlar “davlat oliy ta'lim tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. 111-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“111. 153 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa debitor qarzlari” subschyotida davlat ta'lim tashkilotlarida talabalar bilan to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha va o'quv jarayonida yuzaga keladigan debitor qarzlar hisobi olib boriladi.

Davlat ta'lim tashkilotlari tomonidan to'lov-kontrakt mablag'larining hisoblanishi 153 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa debitor qarzlari” subschyotining debetida va 520 150 “Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha hisoblangan daromadlar” subschyotining kreditida aks ettiriladi. To'lov-kontrakt mablag'larining kelib tushishi 153 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa debitor qarzlar” subschyotining kreditida va 102 409 “Davlat ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt shaklidan tushumlar” subschyotida aks ettiriladi.

Analitik hisob har bir talaba bo'yicha alohida holda tashkil qilinadi.”.

14. 265-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“265. 343 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa kreditor qarzlari” subschyotida davlat ta'lim tashkilotlarida talabalar bilan to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha va o'quv jarayonida yuzaga keladigan kreditor qarzlar hisobga olinadi.

Davlat ta'lim tashkilotlarida talabalar bilan to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha va o'quv jarayonida yuzaga kelgan kreditor qarzlar kelgusi hisob-kitoblarda inobatga olinadi yoki ushbu kreditor qarzlar yakuniy hisob-kitoblardan so'ng yuzaga kelgan taqdirda belgilangan tartibda talabaga qaytariladi.”.

15. 282-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“282. 520 150 “Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha hisoblangan daromadlar” subschyotida davlat ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt shaklidan tushadigan daromadlarning hisoblanishi aks ettiriladi.”.

16. 283-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“283. O‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli bo‘yicha mablag‘larning hisoblanishi 153 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa debitor qarzlari” subschyotining debetida va 520 150 “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha hisoblangan daromadlar” subschyotining kreditida, mablag‘larning kelib tushishi 102 409 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushumlar” subschyotining debetida va 153 600 “Budjet tashkilotlarining talabalar bilan boshqa debitor qarzlari” subschyotining kreditida aks ettiriladi.”.

17. 315-bandning birinchi — to‘rtinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“315. 983 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha joriy yilga moliyaviy natijalar” subschyotida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha moliyaviy natijalari aks ettiriladi. Ushbu subschyotning debetida yil oxirida hisobdan chiqarilgan mazkur mablag‘lar bo‘yicha amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar aks ettiriladi, bunda, 730 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar” subschyoti kreditlanadi. Xarajatlarning analitik hisobi har bir xarajat turi va moddalari bo‘yicha alohida o‘tkazma beriladi.

Subschyot kreditida yil mobaynida hisoblangan davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha daromadlarning hisobdan chiqarilishi aks ettiriladi, bunda, 520 150 “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha hisoblangan daromadlar” subschyoti debetlanadi.

Yil oxirida, avvalo, foydalanilgan soliq va yig‘imlar bo‘yicha imtiyozlar summasiga to‘g‘ri keluvchi haqiqiy xarajatlar summasi (ushbu mablag‘lar hisobidan sotib olingan moddiy aktivlarning sarflanishi (amortizatsiyasi) yoki moddiy aktivlar sotib olish bilan bog‘liq bo‘lmagan holda tashkilotning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash maqsadlariga ishlatilishi munosabati bilan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar) 730 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar” subschyotidan hisobdan chiqariladi. Bunda, 986 000 “Budjetga va budjetdan tashqari jamg‘armalarga hisoblangan soliq va yig‘imlar bo‘yicha imtiyozlar” subschyoti debetlanadi va 730 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar” subschyoti kreditlanadi.

So‘ng moliya yilining oxirida joriy yilga to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha moliyaviy natijalar 983 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha joriy yilga moliyaviy natijalar” subschyotining kreditiga (debetiga) hisobdan chiqariladi va 520 150 “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha hisoblangan daromadlar” hamda 730 000 “Davlat ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar” subschyotlari bo‘yicha yil oxirida qoldiq qolmaydi.”.

18. 317-bandda:

uchinchi xatboshidan “, 342 400 “Budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari pensiya jamg‘armasi bilan sug‘urta badali to‘lovi bo‘yicha kreditor qarzlari,” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

to‘rtinchi va beshinchi xatboshilardagi “Ta’lim muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 326-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“326. 05 “O‘quvchilar va talabalarining qaytarilmagan moddiy qimmatliklar bo‘yicha qarzlari” schyotida o‘quvchilar va talabalar tomonidan qaytarilmagan ust-bosh, ich kiyimlar, asbob-uskunalar va boshqa moddiy qimmatliklar yuzasidan qarzi hisobga olinadi. Davlat ta’lim tashkilotlaridan chiqarilgan o‘quvchilar va talabalar hisobida turgan moddiy qimmatliklarni davlat ta’lim tashkiloti balansidan o‘chirish ularning o‘quv yurtidan chiqarilganligi haqidagi buyruqqa asosan amalga oshiriladi.”.

20. 330-banddagi “ta’lim muassasalarining” degan so‘zlar “davlat ta’lim tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

21. 1-ilovada:

102 403, 104 460, 111 302, 144 000, 152 400, 335 000, 342 400, 540 000, 850 000 va 995 000 — 995 200-qatorlar chiqarib tashlansin;

102 409, 104 420, 730 000 va 983 000-qatorlardagi “Ta’lim muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

102 415, 111 306, 111 315, 520 130 va 520 140-qatorlardagi “ta’lim muassasalarida” degan so‘zlar “davlat ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

102 411 va 520 440-qatorlardagi “Umumta’lim muassasalarida” degan so‘zlar “Umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

520 150-qatordagi “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta’limi muassasalarida” degan so‘zlar “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta’limi tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

22. 2-ilovada:

24-pozitsiyaning “Debet” va “Kredit” ustunlaridan “/144 000” raqami chiqarib tashlansin;

39, 40, 75 va 76-pozitsiyalarning “Debet” ustunidan “/335000” raqami chiqarib tashlansin;

74 va 89-pozitsiyalarning “Debet” ustunidan “335000/” raqami chiqarib tashlansin;

68, 78 va 90-pozitsiyalarning “Kredit” ustunidan “/335000” raqami chiqarib tashlansin;

73 va 93-pozitsiyalarning “Kredit” ustunidan “/995200” raqami chiqarib tashlansin;

85-pozitsiyaning “Kredit” ustunidan “995100/” raqami chiqarib tashlansin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
O'ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

99 “Muvofiqlikni baholash sohasida xodim sifatida ishtirok etishga talabgor bo'lgan mutaxassislarni sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2748-3*

O'zbekiston Respublikasining “Texnik jihatdan tartibga solish to'g'risida” Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 1-iyuldagi 370-son “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi va uning tizimidagi tashkilotlari faoliyatini samarali yo'lga qo'yish choralari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 11-dekabrda 697-son “Muvofiqlikni baholash sohasida xodim sifatida ishtirok etishga talabgor bo'lgan mutaxassislarni sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'iga (ro'yxat raqami 2748, 2015-yil 30-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 52-son, 656-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. JUMANAZAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-fevral,
22-son

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston
texnik jihatdan tartibga solish agentligi
direktorining 2025-yil 27-fevraldagi
22-son buyrug'iga
ILOVA

**“Muvofiqlikni baholash sohasida xodim sifatida ishtirok etishga
talabgor bo'lgan mutaxassislarni sertifikatlashtirish tartibi
to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Buyruq muqaddimasidagi “Muvofiqlikni baholash to'g'risida”gi, “Mahsulotlar va xizmatlarni sertifikatlashtirish to'g'risida”gi qonunlari” degan so'zlar “Texnik jihatdan tartibga solish to'g'risida”gi Qonuni” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

a) muqaddimadan “O'zbekiston Respublikasining “Muvofiqlikni baholash to'g'risida”gi, “Mahsulot va xizmatlarni sertifikatlashtirish to'g'risida”gi qonunlariga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 14 oktabrdagi 292-sonli “O'zbekiston Respublikasining “Muvofiqlikni baholash to'g'risida”gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga asosan” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

b) 20-bandda:

uchinchi xatboshidagi “inspeksiya nazorati” degan so'zlar “davriy baholash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “attestatsiya qilingan” degan so'zlar “texnik jihatdan malakaliligi ma'qullangan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO'MITASINING
QARORI

100 “Moliyaviy va soliq hisobotlarini aloqaning telekommunikatsiya kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2808-3*

O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksiga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining 2016-yil 10-iyundagi 2016-21-son “Moliyaviy va soliq hisobotlarini aloqaning telekommunikatsiya kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 2808, 2016-yil 12-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016- y., 28-son, 340-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi va Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-fevral,
2024-24-son

Kelishildi:

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. SHERMATOV

2025-yil 13-fevral

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

2025-yil 19-fevral

O'zbekiston Respublikasi
Soliq qo'mitasining 2025-yil 27-fevraldagi
2024-24-son qaroriga
ILOVA

**“Moliyaviy va soliq hisobotlarini aloqaning telekommunikatsiya
kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim
etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddimadagi “O'zbekiston Respublikasining “Davlat soliq xizmati to'g'risida”gi, “Elektron raqamli imzo to'g'risida”gi, “Elektron hujjat aylanishi to'g'risida”gi qonunlari va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 4-avgustdagi 157-son “Soliq to'lovchilarga axborot xizmati ko'rsatish va davlat soliq xizmati organlarining axborot tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida”gi qaroriga” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasining “Davlat soliq xizmati to'g'risida”gi, “Elektron raqamli imzo to'g'risida”gi, “Elektron hujjat aylanishi to'g'risida”gi qonunlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu Nizom moliyaviy va soliq hisobotlarini (bundan buyon matnda hisobot deb yuritiladi) aloqaning telekommunikatsiya kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim etish tartibini belgilaydi.”;

b) 8-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Soliq organi soliq to'lovchi tomonidan belgilangan shaklda taqdim etilgan hisobotini qabul qilishni rad etishga haqli emas.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

101 Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ай-
рим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгарти-
ришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3612*

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига иловага ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 25 февраль,
3-сон

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2025 йил 25 февралдаги
3-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг айрим
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2013 йил 23 декабрдаги 20-сон «Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғида (рўйхат рақами 2545, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 710-модда):

а) муқаддимадаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» деган сўзлар «Йўл ҳаракати тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Низомда:

муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган, фуқаролар вафот этган

ёки уларнинг соғлиғига зарар етказилган, транспорт воситалари, иншоотлар, юklar шикастланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган ҳодиса;».

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 22 апрелдаги 22-сон «Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғида (рўйхат рақами 2582, 2014 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 234-модда):

а) муқаддимадаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» деган сўзлар «Йўл ҳаракати тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Низомда:

муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган, фуқаролар вафот этган ёки уларнинг соғлиғига зарар етказилган, транспорт воситалари, иншоотлар, юklar шикастланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган ҳодиса.».

3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 12 июлдаги 61-сон «Автомобиль транспортида йўловчилар ва юklar ташувчи автотранспорт воситаларида лицензия карточкалари мавжуд бўлишини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғида (рўйхат рақами 2906, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 759-модда):

а) муқаддимадаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» деган сўзлар «Йўл ҳаракати тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Низом муқаддимасидан «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 238-сон «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 4 мартдаги 5-мх-сон “Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-3.

2. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xojaligi vazirligining 2025-yil 10-fevraldagi 1989-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 30-yanvardagi 229-son “Tuman (shahar) obodonlashtirish boshqarmalari xodimlarining me‘yorlangan sonini belgilash to‘g‘risidagi yoriqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 7-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1989-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 13 февралдаги 1-сон “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-11.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 12 февралдаги 78-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-9.

5. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 27-fevraldagi 5-son “Davlat ro‘yxatidan o‘tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo‘llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan analoglari mavjud bo‘lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3611.

6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 28-fevraldagi 5/8-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tijorat banklari bilan depozit operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 13-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3079-2.

7. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 26-fevraldagi 235-son, Markaziy banki Boshqaruvining 2025-yil 24-fevraldagi 5/14-son hamda Transport vazirligining 2025-yil 17-fevraldagi 1-son "Temir yo'l transporti yo'lovchilarining qo'l yukini, bagajini, valyutasini va valyuta boyliklarini bojxona nazoratidan o'tkazish va rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomning 6-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 12-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3233-2.

8. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 11-fevraldagi 231-son "O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS) "Budjet hisoboti"ga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 12-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3124-7.

9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2025-yil 25-fevraldagi 5/12-son "O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi nizomning 19-bandiga qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3294-2.

10. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 11-fevraldagi 232-son "O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 13-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3078-5.

11. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2025-yil 27-fevraldagi 22-son "Muvofiqlikni baholash sohasida xodim sifatida ishtirok etishga talabgor bo'lgan mutaxassislarni sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2748-3.

12. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 27-fevraldagi 2024-24-son "Moliyaviy va soliq hisobotlarini aloqaning telekommunikatsiya kanallari vositasida davlat soliq xizmati organlariga taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 14-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2808-3.

13. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2025 йил 25 февралдаги 3-сон "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазириликнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3612.

